

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВ МУСАЖАН САБИРОВИЧ

ГЕРМЕНЕВТИКА ВА БАДИИЙ НУТҚ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 894.375

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора филологических наук (DSc)

Content of Dissertation Abstract of
Doctor of Philological sciences (DSc)

Таджибаев Мусажан Сабинович
Герменевтика ва бадий нутқ 3

Таджибаев Мусажан Сабинович
Герменевтика и поэтическая речь 33

Tadjibayev Musajan Sabirovich
Hermeneuticous and Poetry Language 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 70

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FH.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИБАЕВ МУСАЖАН САБИРОВИЧ

ГЕРМЕНЕВТИКА ВА БАДИИЙ НУТҚ

10.00.07 – Адабиёт назарияси

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/FH311 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiv.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳмонов Насимхон Аскарлович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Амонова Зиёлола Қодирова
филология фанлари доктори

Қуронов Дилмурод Хайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари, профессор

Етакчи илмий муассаса:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FH.46-01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» сентяб соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди.
(Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиелилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация авторферати 2022 йил «14» сентяб да тарқатилди.
(2022 йил 16.12 даги 10 рақамли реєстр баённомаси).

Н.Ф. Қаримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол. ф. д., академик

Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиви,
филол. ф. н., профессор

Ж.С. Эшонқулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол. ф. д., профессор



Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Жаҳон адабиётшунослигида бадий асар матнини герменевтик таққинда ўрганишга оид тадқиқотларда лирик асарларнинг матни ҳамда бадий матни лингвоэстетик, фалсафий-эстетик ва семантик-стилистик томондан таҳлил қилиш муаммолари ташкил этади. Бадий матни герменевтик тадқиқ этиш жараёнида унинг лингвоэстетик хусусиятларини Шарқ ва Европа халқлари адабиётшунослигининг энг илғор қоидалари мисолида асослаш, бадий матннинг янги герменевтик категорияларини тавсифлаш, шунингдек, бадий нутқнинг маъно тованишларини таъминловчи омилларни жаҳон адабиётшунослигининг замонавий талаб ва мезонлари асосида тадқиқ қилиш долзарблигини сақлаб келмоқда.

Дунё адабиётшунослигининг янги ютуқлари асосида бадий асарнинг герменевтик таҳлилини Европа халқлари адабиёти ва Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида амалга оширишнинг назарий тамойилларини ишлаб чиқиш, асар бадийлиги ва унинг замирида ётадиган бадий нутқнинг герменевтик таҳлили орқали бадий асарнинг мазмун-моҳиятини, бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни ҳамда аҳамиятининг назарий қирраларини очиб бериш тамойиллари устуворлик қилиб келмоқда. Замонавий жаҳон ва Ўзбек адабиёти намуналарининг герменевтик таҳлили воситасида ижодкор билан ўқувчининг фикрлаш доирасидаги фарқларни бартараф қилиш, бадий асар моҳияти, гоёси, бадий-эстетик қирраларини китобхонга яққолроқ очиб бериш усулларини инкишоф этиш, борлиқни янги поэтик рангларда ҳис қилиш, асар бадийлиги орқали акс этган ўзига хос дунёнинг ижтимоий таққинини белгилаш ва унда миллий, индивидуал менталитетнинг аҳамиятини аниқлаштириш масалалари ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялашда муҳим вазифани бажаришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбек адабиётшунослигида бадий асар тили ва ижодкорнинг поэтик маҳоратига бағишланган аксарият тадқиқотлар бадий нутқнинг умумхалқ тилига, унинг лугавий ёки грамматик тараққиёти тадрижга муносабатини аниқлаш юзасидан олиб борилган. Герменевтика эса асар матни, сўзда акс этган бетақрор шахснинг қалб манзараларини ўрганишнинг янги тамойилларини илғари суради. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёевнинг қатор асарларида инсон шахси ва менталитетини мустаҳкамлаш борасида миллий осори-атиқалар, адабий мерос ёдгорликларини, буюк шахслар ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларда акс этган руҳий-маънавий имкониятларини тўлақонли очиб бериш зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил

¹ Мирзиёев Ш.М. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. – Тошкент: Адолат, 2017. – 112 б. – Б. 29.

Жахон адабиётшунослигида бадий матн герменевтик тадқиқининг назарий асосларини ишлаб чиқиш борасида шoirлар ижодий лабораторияларини янгилаш ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этишининг куйидаги усувлар йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: герменевтик талқиннинг назарий асосларини яратиш, жахон адабиёти доирасида олиб борилган герменевтик тадқиқотлар кўлами ва микдорини ўрганиш, уларнинг концептини аниқлаш, янги герменевтик тадқиқотларда акс этган замонавий герменевтик концептларни белгилаш, уларнинг йўналиш, тадқиқот доираларини ўрганиш ҳамда назарий аспектларини яратиш, уларда инсон ва инсон ботини, шахс идеали, миллий психологиянинг акс этиши, ўзбек лирикасида жанр, образ, лирик қаҳрамон, метафоранинг намойён бўлиш хусусиятлари ва тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Герменевтикага алоҳида таълимот сифатида дастлаб Александрия герменевтика мактаби (миллоднинг бошларида) томонидан Библиянинг илоҳий маъноларини талқин қилишга қаратилган тадқиқотларда асос солинган³. XVIII-XX асрларда Бу таълимот У.Шекспир асарлари матн хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда давом эттирилди⁴. XX асрда эса алоҳида фан сифатида дастлаб Ғарб мамлакатларида муайян методлар бирлиги сифатида пайдо бўлиб, бадий матнларни турли усулларда интерпретация қилиш орқали матннинг турли маъноларини аниқлаш муаммолари билан шуғулланганлар⁵. Адабий герменевтика Ф.Шлейермахер, В.Дилтей, Х.Г.Гадамер каби олимлар томонидан илгари сурилган фалсафий герменевтика таъсирида шаклланди⁶. Уларнинг айрим тадқиқотларида бадий матн таҳлили ҳам кузатилади. Шунингдек, бундай тадқиқотлар италян “герметик танқид” мактаби намояндalари К.Бо, О.Макриларнинг ҳамда Англия-Америка “янги танқид” мактаби намояндalари Т.С.Элиот, Д.К.Рэнсом, Р.П.Уэллс, О.Уоррен кабиларнинг ишларида ўрганилган⁷.

Янги давр герменевтикаси тамойиллари Э.Д.Хирш тадқиқотларида белгилаб берилди⁸. Хирш ўз асарларида интерпретациянинг уч ўлчамли талқинини илгари суради: 1) дискретив ўлчам матннинг турли маъноларини тенг мақомда очиб беришни назарда тутати; 2) меъёрий ўлчам тадқиқотчининг этик танлови натижаси ҳисобланиб, унда муайян матн устуности тан олинади; 3) метафизик ўлчам эса матн объектив тарихий тадқиқининг натижаси сифатида қабул қилиниб, унда матннинг бошланғич маъноси очиб берилди. Хиршнинг фикрига кўра, герменевтиканинг мақсад ва мазмуни матннинг дастлабки маъносини (семиотикада денотат) унинг

³ Герменевтика библейская // Православная энциклопедия. – М., 2006.

⁴ Григорьев Б.В. Герменевтика и теория интерпретации. – Владивосток: Изд-во ДВГУ, 2002. – С. 96.

⁵ Цурганова Е.А. Герменевтика. Западное литературоведение XX века. – М., 2004.

⁶ Madison. The hermeneutics of postmodernity. – Bloomington, 1988. Silverman H. Gadamer and hermeneutics. – New York, 1991; Grondin J. Hermeneutische Wahrheit? Zum Wahrheitsbegriff H.-G. Gadamer. – Weinheim, 1994.

⁷ Тисельтон Э. Герменевтика. – Черкассы, 2008.

⁸ Hirsch E.D. Validity in interpretation. – New Haven, 1967. Ibid. Three dimensions of hermeneutics // New literary history. – Baltimore, 1972. V. 3. – №2.

28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хийбонини барпо этиш тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларида боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жахон адабиётшунослигида бадий асарнинг герменевтик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижасида қатор ютуқларга эришилган. Жахоннинг тан олинган илмий марказлари, ОТМларида, хусусан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universität (Германия), the University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), Марказий-Европа университети ва «Очик жамият» институти (Будапешт, Венгрия), Manchester University (Буюк Британия), Жоржия университетининг экология институти (АҚШ), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Indiana University (АҚШ), Истанбул университети, Анкара университети, Карабук университети (Туркия), Россия давлат гуманитар университети, Москва давлат университети (Россия), Миллий илмлар академиясининг Адабиёт институти, Баку Евроосиё университети (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи <https://www.publishersweekly.com/pw/by-topic/industry-news/tp-sheet/article>; <https://cyberleninka.ru/article/n/problemny-razvitiya-1>; <https://arts.unimelb.edu.au/news>; <https://www.westernsydney.edu.au/https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <https://nec.nuchicago.edu>; <https://www.osu.edu>; <http://www.ankara.edu.tr>; <http://gezi.edu.tr>; <http://www.dtu.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr>; <http://www.ivran.ru>; <https://snpb.ru>; <https://www.orientalstudies.ru>; <http://www.orientalstudies.org.uk/uk/home>; <http://zoa.dnt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostochnogo-nastlediya-i-pismennogo-nastlediya-im-rudak-4>; <http://ashgfv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk>; <http://www.samdnu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

барча коннотатив кирраларини тенглаштирган ҳолда улардан энг муҳимини ажратиб олиш орқали аниқлашдан иборат.

Адабий герменевтика соҳасининг йирик намояндалари сифатида Д.Б.Медисон, Г.Силверман, Й.Грондинлар ўз ишларида Гадамер ғояларини таракқий топтириб, асосан постмодернизм намуналарининг матн хусусиятларини ўрганганлар.⁹ Бу борадаги тадқиқотлар Россияда М.М.Бахтин, Д.С.Лихачев ва В.В.Виноградовларнинг бадий матн тадқиқоти оид ишларида кузатилади.¹⁰ Герменевтика соҳасидаги яна бир йирик тадқиқот Энтони Тиссельтоннинг “Герменевтика” асари бўлиб, унда герменевтикани таракқий тадрижи ва замонавий тамойиллари очиб берилган; герменевтикадаги оқимлар, уларнинг назарий асослари таҳлил қилинган.¹¹ Рус олимаси Е.Н.Шульганинг тадқиқотларида герменевтика фалсафий нуктаи назардан тадқиқ қилинган ва когнитив герменевтиканинг асослари ёритилган.¹²

Ўзбек адабиётшунослигида Х.Болтабоев, Д.Қуроноф, Б.Каримов, А.Эркинов, У.Жўрақулов каби олимларнинг герменевтикага оид ишлари мазкур йўналишдаги тадқиқотлар доирасини кенгайтирди. А.Эркинов Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида, Б.Каримов Абдулла Қодирий романлари асосида йирик герменевтик тадқиқотларни амалга оширган.¹³ Х.Болтабоевнинг герменевтик тадқиқотларга бағишланган мақоласида соҳанинг тарихий ва илмий аспекти ёритиб берилган.¹⁴ Д.Қуроноф “Адабиётшунослик лугати” китобида терминнинг муҳим илмий фактларини қайд қилган¹⁵ бўлса, У.Жўрақуловнинг тадқиқотида бадий нутқнинг матн хусусиятлари ўрганилган.¹⁶

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁹ Hirsch E.D. Validity in interpretation. – New Haven, 1967. Ibid. Three dimensions of hermeneutics // New literary history. – Baltimore, 1972. V.3. – №2.

¹⁰ Михайлов А.А. Современная философская герменевтика. – Минск, 1984; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., 1986; Гадамер Х.Г. Истина и метод: Основы философской герменевтики. – М., 1988; Шлет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы // Контекст. Литературно-теоретические исследования. – М., 1989-1992; Кузнецов В.Г. Герменевтика и литературное познание. – М., 1991; Рикёр П. Конфликт интерпретаций: Очерки о герменевтике. – М., 1995; Цурганова Е.А. Герменевтика // Западное литературоведение XX века. – М., 2004; Hirsch E.D. Validity in interpretation. – New Haven, 1967; Ibid. Three dimensions of hermeneutics // New literary history. – Baltimore, 1972. – V.3. – №2; Ibid. The aims of interpretation. – Chicago, 1976; Madison. The hermeneutics of postmodernity. – Bloomington, 1988; Silverman H. Gadamer and hermeneutics. – New York, 1991; Grondin J. Hermeneutische Wahrheit? Zum Wahrheitsbegriff H. G. Gadamer. – Weinheim, 1994.

¹¹ Тиссельтон Э. Герменевтика. – Черкасск, 2008.

¹² Шульга Е.Н. Когнитивная герменевтика. – М., 2002; Шульга Е.Н. Современная философская герменевтика. – М., 2002.

¹³ Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тадқиқур. – Тошкент, 2014; Эркинов А., Тоқиев А., Навоий ва бутунтик авлод // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013. – 2-сон.

¹⁴ Болтабоев Х. Герменевтик тадқиқотлар тарихидан // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013. – Б. 42-43.

¹⁶ Жўрақулов У. Михаил Бахтин кашфиёти // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2014. – 11, 12-сонлар.

Тадқиқотнинг мақсади жаҳон адабиётшунослиги аъёнлари асосида Ўзбек адабиётшунослигида адабий герменевтиканинг назарий асосларини такомиллаштириш, Европа ва Ўзбек мумтоз адабиётининг сара намуналари мисолида бадий асар герменевтик таҳлилининг янги тамойилларини ишлаб чиқиш, бадий матн орқали инсоннинг ички дунёсини тушунишнинг поэтик таҳлил жараёнида назарда тутилиши лозим бўлган янги бадий нутқ мезонларини аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадий асар герменевтик таҳлилининг ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида янги мезонларини ишлаб чиқиш; мумтоз адабиёт намуналарининг лингвопоэтик таҳлил қилишга оид янги тамойилларни ишлаб чиқиш; бадий асар поэтикасига оид янги назария ва усулларни яратиш; бадий матн архитектурасининг поэтик кирраларининг бадий фантазияга муносабатини аниқлаштириш;

бадий нутқни ўрганишнинг янги назарий тамойилларини ишлаб чиқиш; бадий асарни герменевтик таҳлил қилиш орқали поэтик нутқ эстетик мезонларининг инсоният тафасури тараққиётидаги аҳамиятини аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида герменевтика бунча олиб борилган дунё олимларининг илмий тадқиқотлари, шунингдек, Ўзбек ва жаҳон адабиётининг турли жанрлардаги сара намуналари таҳлилланган.

Тадқиқотнинг предметини жаҳон адабиётшунослигида герменевтик тадқиқотларга бағишланган адабиётлар, шунингдек, Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарининг герменевтик таҳлили ва унинг Ўзбек адабиётшунослигини аҳамиятини белгилаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик, компонент, контекстуал, рационал-ғоявий, бадий-ғоявий, қиёсий, ижтимоий-диакрон, ижтимоий-синхрон ва лингвопрагматик таҳлил, қиёсий, ижтимоий сўроқ каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бадий асар герменевтик таҳлилининг янги мезонлари Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида ва жаҳон адабиётшунослигининг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган;

мумтоз адабиёт намуналари лингвопоэтик таҳлилининг гербариз методи бадий асар герменевтик кирраларини грамматик талқин қилиш орқали амалга оширишга асосланган ва унинг тамойиллари ишлаб чиқилган;

герменевтик таҳлил воситасида бадий асар поэтикасини тушунишнинг грамматик ва психологик талқин йўналишида иллюзия, трансформация, кўланка назарияси каби усулларнинг назарий асослари яратилган;

бадий асар таҳлили жараёнида ижодий ёлқин имкониётларидан фойдаланиш мезонлари ишлаб чиқилган ва назарий асосланган;

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари асосида бадий матн архитектурасини поэтик кирраларининг бадий фантазияга муносабати аниқлаштирилган;

жаҳон адабиётида поэтик тафаккур эврилишларининг роли, аҳамияти, уни эҳтиёжга айлантирган ички ва ташқи, ижтимоий-психологик, тарихий-маданий омиллар, бадий қонуниятлар, етакчи тамойилларига оид илмий-назарий қарашлар, герменевтик тахлилнинг ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида силлогизм, трансформация, иллюзия каби янги мезонлари, мумтоз адабиёт намуналарининг лингвистик тахлилда гербаризм методни асослаш ва унинг тамойиллари, герменевтик тахлил воситасида бадий асар поэтикасини тушуниб етишининг янги назария ва усуллари бўйича илмий хулосалардан Ўзр Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016 йй.) фундаментад тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 17 январдаги №17.01/113-сонли маълумотмаси). Натжиада бадий адабиёт ва унда поэтик тафаккурнинг инсон ва ижодкор сиймосидаги инъикоси, тамойиллари ва омилларини белгилаш, ўзбек мумтоз адабиёти, жаҳон адабиётининг илгор намуналарида психологизм, гербаризм методларини далиллашга эришилган;

бадий асар тахлили жараёнида ижодий ёлқий имкониятларидан фойдаланиш мезонларини белгилаш, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари асосида бадий матн архитектоникаси поэтик кирраларининг бадий фантазияга муносабатини аниқлаш бўйича тақлиф ва мулоҳазалардан Ўзр Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2012-2016 йй.) фундаментад илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 17 январдаги №17.01/113-сонли маълумотмаси). Натжиада қорақалпоқ фольклори намуналарини герменевтик тахлил қилиш орқали уларнинг бадий имкониятларидан фойдаланиш мезонлари ва фольклор намуналари асосида бадий матн архитектоникаси поэтик кирраларининг бадий фантазияга муносабатини аниқлашга хизмат қилинган;

диссертация ишининг герменевтик методни қўллаш ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишининг усул ва методларини бойитиши, герменевтик тадқиқотлар доирасида шарқ мумтоз адабиётининг шакл ва мазмун имкониятларини ўрганиш доирасида юксак маҳорат, гоийлик ва лирикада унга хосликни очишга хизмат қилиши борасидаги назарий ва амалий натижаларидан академик А. Куатбеков номидаги Шимкент давлат халқлар дўстлиги университетида 2021-2022 ўқув йилида талабаларга «Литература родственных народов», «История узбекской литературы», «Теория литературы», «Классическая поэтика Востока» фанларини ўқитишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси академик А. Куатбеков номидаги Шимкент давлат халқлар дўстлиги университетининг 2022 йил 30 ноябрдаги 110-рақамли далолатномаси). Натжиада тасавуфий гоьларни акс эттириш

бадий нутқни ўрганишининг янги назарий тамойиллари ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида бадий тилнинг ижтимоий онг тараққиётидаги аҳамиятини белгилаш асосида ишлаб чиқилган;

поэтик нутқ эстетик мезонларининг инсоният тафаккури тараққиётидаги аҳамияти бадий асар герменевтик тахлили асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Герменевтикнинг ўзбек адабиётшунослигидаги назарий масалаларини ўрганишга оид асосий тамойиллар ишлаб чиқилган;

ўзбек мумтоз адабиёти материаллари асосида поэтик нутқнинг герменевтик тахлил усуллари аниқлаштирилган;

“Поэтик герменевтика ва бадий нутқ” номли монография нашр этилган;

педагогик олий таълим муассасалари 511120 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши учун “Адабий герменевтика ва бадий тил поэтикаси фанини ўқитиш” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

“Адабий герменевтика ва бадий тил поэтикаси фанини ўқитиш” фанининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлигини адабиётшуносликнинг замонавий тамойилларига таянганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммо юзасидан республикамиз ва хоржий олимларнинг назарий хулосаларига таянганлиги, тадқиқот мақсад ва вазифаларининг адекватлиги, хулоса, тақлиф ҳамда таъсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий ўзбек адабиётшунослигига оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан, бадий асар герменевтик тахлилнинг ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида янги мезонлари ишлаб чиқилганлиги, герменевтик тахлил воситасида бадий асар поэтикасини тушунишининг янги назария ва усуллари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бакалаврият ва магистратура босқичлари учун “Адабиёт назарияси”, “Адабий герменевтика ва бадий тил поэтикаси”, “Адабий танқид”, “Бадий асар тахлили” каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратишда, илмий маърузалар, махсус курс ва семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Адабиёт назарияси машгулотлари жараёнида бадий асарни ўрганишининг герменевтик усул ва методлари борасида назарий ва амалий машгулотлар олиб борилди. Ўзбек адабиётида поэтик тафаккурнинг тараққиёт омиллари ва тамойилларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида.

борасидаги илмий хулосалар таълим жараёнида «Литература родственных народов», «История узбекской литературы», «Теория литературы», «Классическая поэтика Востока» фанларини ўқитишда маъруза ва амалий семинарларда, ўқув қўлланмалари ва методик тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Бадий тафаккур эвристикларининг оригинал йўналишларда кузатиш усул ва методлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали ДМ «Мавнавий-маврифий ва бадий эшиттиришлар» мухарририяти томонидан 2022 йил май ва июль ойларида тайёрланган «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт», «Адабий жараён», «Жаҳон адабиёти» номли эшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2022 йил 1 августдаги 04-36-1214-сон маълумотномаси). Натижادا ёш тадқиқотчилар ва ўқитувчиларнинг герменевтик таҳлил асослари, герменевтик тафаккур ва унинг методларга муносабати бўйича назарий билим ва малакаларини бойитишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 51 та илмий иш нашр этилган. Шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 231 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблигини асослаб берилган, мақсади, объекти, предмети ва вазифалари белгиланган, тадқиқот ишини ташкил этишнинг назарий ва методологик асослари таърифланган, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Бадий нутқ ва унинг герменевтик тафаккурдаги ўрни» деб номланган ва унда бадий нутқ, бадий асар тили ва унинг поэтик, бадий нутқ таҳлилининг герменевтик мезонлари, бадий нутқ ва бадий асар мазмуни каби масалалар таҳлил қилинган.

Бадий нутқнинг сўз санъатига муносабатига оид фаслда ҳар қандай бадий асарнинг асосида сўз ётиши, айнан сўз ҳам тилшуносликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг тадқиқот объекти эканлиги кўрсатилган. Унинг илмий хусусиятлари: товуш ёки фонема, қисм ёки морфема, сўз ёки лексемадан иборат. Товуш ёки товушлар сўз қиёфасига киргандан кейин бирлиштирилган

улардан синтагма-гап ташкил топиши, гап эса, матн бирлиги бўлиб, герменевтик тафаккур борлиқни матн сифатида қабул қилиши қайд этилган. Сўзнинг гапдаги маъно ва гоя яратиш ёки ташиш имкониятлари унинг дистрибутив ёки матний вазифалари дейилади.

Ййрик рус олими Г. Винокур бадий асар тили нима, деган саволга жўнгина қилиб: «Бадий тил дейилганда бадий асарлар ёзишда ишлатиладиган тил тушунилади», деб ёзган экан¹⁷. Демак, биз бадий асарларнинг ифода плани бўлган тилни бадий тил деб атаймиз. Янада кенгрок фикрлаганда, умуман тилнинг бадий адабиётга хос дунёсини очишга изн берадиган услубини поэтик тил деб атаймиз. «Бадий тил» ва «поэтик тил» тушунчалари илмда параллел қўлланиб келинади.

Бадий тилнинг ўрганилиш объекти кунимизга қадар бадий адабиёт ва адабиётшунослик соҳасида яратилган бадий ва бадий - публицистик асарлар ҳамда уларнинг тил хусусиятлари ва бадий нутқ шаклида намоён бўлишдан иборатдир. Предмети шу ўрганиш объектида намоён бўлган бадий тилни унинг критериялари асосида тадқиқ қилиш, ўрганиш хисобланади. Мақсад – вазифаси эса, бадий тилнинг умумхалқ тили, нафақат тил, балки тил воситалари орқали унда ифода этилган ғоялари воситасида инсон дунёқараши ва миллий менталитет ошувиға хизмат қилишининг тадқиқидан иборатдир.

Машхур рус шоири Сергей Есениннинг шеърлари таржимасида ҳам сўз маъноси ва бадий тилнинг прагматик имкониятлари мутаносиблиги масаласига ҳам диссертацияда ўрин берилган. «Хурсонда бир дарбоза бор» шеърда ўқиймиз. Шеърдаги «остона», «дарбоза», «пари рухсор», «паризод» каби сўзлар шарқона рух самараси, муаллиф эса рус миллиятига мансуб, буни қуйидаги мисралдан англаб оламиз: *Сочларимдан олтин ранг олган.*

Бирок бу шеър Есениннинг «Форс тароналари» туркумига киргани учун, таржимон таҳрирлардан қочиш, таъсирчанликни кучайтириш учун ўзбекона сўзлардан фойдаланган. Ёки рус йигитининг Эрон гўзалиға севгиси қўйланган «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан» шеърдаги «чойхона», «чой», «тонг юзли дилдор», «шохи рўмол», «оҳу кўз», «лолагул» каби сўз-гимсоллар ҳам Шарқни эслатиб туради. Демак, тил шоир руҳиятини, кайфиятини, фикрини ифодалашда энг муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ҳодисадир.

Ана шундай сўзлар воситасида ёзувчи асарнинг маъноси, гоёсини ўқувчиға етказиб беради, унда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаға ўқувчининг муносабатини уйғотади. Ваҳоланки, тил (сўз) – ҳар қандай фактнинг, ҳар қандай фикрнинг либосидир¹⁸. Диссертацияда бу фикрлар мисоллар формида таҳлил қилинган.

Герменевтика ва бадий тилнинг инъикоси юзасидан олиб борилган тадқиқот бадий нутқ - бадий ижод маҳсули сифатида инсон онгининг ҳали намоёнаман кирраларини, маъно ва моҳиятини аниқлашга хизмат қилади. Шоир(ижодкор) ўзининг бадий фантазиясига мувофиқ равишда янги фикр,

¹⁷Винокур Г. А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент, 2007. – Б. 113.
¹⁸Арнольд Г. А. Введение в литературоведение. – Ташкент, 1953. – С. 97.

назардан ўрганилиши бўйича тил ва нутқ ҳодисалари алоҳида – алоҳида ҳодиса сифатида қаралаётгани боис, уларнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда бадий асарнинг маъно (ички, ғоя) ва мавзу хусусиятларини герменевтик тил ҳодисаси сифатида, унинг эпос, лирика ва драма шаклида мавжудлигини нутқ ҳодисаси сифатида баҳолашни мумкинлиги айтилган.

4-фаслда бадий нутқнинг бадий асар мазмуни билан муносабати ўрганилган. Инсоният тарихида кенг тушулган ифодага эришган воқеа – ҳодисалар бор. Улар ўрни келганда битта сўз билан изоҳланиши мумкин. Зотан, герменевтик шариоитнинг айланасида ҳам бутуннинг қисмига, қисмининг бутунга муносабати бир сўз билан бутун борлигини изоҳлашга изн беради. Аммо сўзлар уюлганда ёки яққа ҳолида ҳам улкан тушунчаларга туртки бериши мумкин. Гербарийдан ясалган гербаризмда ҳам сўз катга бир дархат маъносидоғи тушунчанинг асосий белгиларини ташувчи бирикдир. Сўзда ўша тушунчанинг энг муҳим қирралари мужассам бўлади. Биз ўша қирралар воситасида тарих бағрида ётган улкан ҳақиқатни ташиб келаётган тушунчани аниқлаймиз. Ҳан-да муҳими биз фақат мавжуд тушунчани аниқлабгина қолмасдан уни тақомиллаштирамиз.

Бу ерда биз гербаризм ва этимологиянинг айрим уйқаш келадиган қирралари борасида диссертацияда тўхталиб ўтганмиз.

Гербаризм, юқорида айтганимиздек, сўзнинг потенциал имкониятини герменевтик шариоитда айлана воситасида қўллангани ҳолда бутун бошли тушунчалар тизимини ярағлади. У худди фотосинтез каби жуда катга илмий кашфиётларнинг онтологик қирраларини очиб бериши мумкин. Бунда сиз худди кўздан изланиб бир нарсани эриштиш учун илм қилгансиз ва унга яқин келгансиз ҳамда унинг борлигини, яқинлигини хис қилгансиз, аммо ўзини топа олмайсиз. Худди шу вақт бир сўзни эшитиш ёки маъносини тушуниш орқали ўша ўзингиз кутган ва ахтариб турган улкан кашфиётни бир туртки билан аниқлангандек бўласиз. Назарингизда шу туртки орқали минг йиллик ҳақиқат бирдан рўёбга айлангандек, худди атрофдаги зулмат чекиниб, бахт эшиги очилгандек бўлади. Зотан, сиз узокдан бери ета олмаган илмий ҳақиқатни топган бўласиз. Бу ҳодисанинг юзага келишига сизга эш бўлган инсониятнинг минг йиллик илмий ҳақиқатлари шурунингизни ёритса, ёлқинга чўғ улашган учкун сўз ёки тушунча гербаризм бўлади.

Бадий асар ёлқини тил луғавий қатлами семантикасида ташқарида бўлиши ҳам мумкин. Бу борада тилшунослиқда сўзларни ташйётган маъноларига мувофиқ икки категорияга бўлиб олмақ лозим.

Биринчи категорияни камбағал сўзлар гуруҳи ташкил қилади, яъни мунгазам ҳаракатдаги сўзлар. Бундай сўзлар кўп ҳолларда мунгазам шакл ва маънога эга бўлмайди, шакл ва мазмун уларда муваққат, ўзгарувчан бўлади: худди жамиятдаги нафақат ташқи дунёси, балки ички дунёси ҳам камбағал одамлар сингари.

Ҳали жамиятда, тилда ўрнини топиб улгурмаган сўз шакл ва маъносини тез-тез ўзгартириб туриши мумкин. Ҳазарувчан сўзларнинг маъно қобити камбағал бўлади. Мана шундай сўзларни камбағал сўзлар деб атаймиз.

янги ҳолатни, умумий қилиб айтганда, янги ғояни яратлади. Янги ғоя инсон бадий тафаккури тараққиёти орқали адабиётдан жамиятга ўтади, инсон руҳий малакасини ҳосил қилади. Руҳий малака маълум шаклларда кўникмага айланади. Кўникма эса инсоннинг дунёга, жамиятга муносабатини тубдан ўзгартиради, уни янги, тарбияланган инсонга айлантиради. Бу ўринда энг муҳим восита бадий асар мутолааси, унинг бадий талқини ҳисобланади.

2-фаслда бадий асар тили ва унинг поэтик таҳлилга муносабати ўрганилган. Бу фаслда бадий адабиёт ижтимоий онг соҳаси сифатида жамият ҳаётининг барча томонларига кириб борганлиги, мусика – инсон руҳий, ботиний дунёси ҳолатлари, ҳаракатларининг овози. Овоз ноталарини номлаш поэтиканинг вазиғаси эканлиги таҳлил этилган.

Бадий асар матни, бадий матн лингвопоэтикасини ўрганиш ўзига хос тарихга эга. Шарқ илмида бадий асар матнини ўрганиш борасида Абу Наср Форобийнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга¹⁹. У ўзининг шеър санъати ва шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақидаги асарларида лирик асарлар матни, услуби, уларни бадий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил қилиш борасида қимматли фикрлар билдирган.²⁰ Бевоситга туркий адабий ёдгорликлар жанри, вазни ва бошқа поэтик хусусиятлари ҳамда матн ва бадий нутқ хусусиятларига бағишланган асарлардан Навоийнинг «Мезон ул-авзон»²¹ ва «Маҷолис ун-нафос»²² рисоалари алоҳида аҳамият касб этади. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида эски ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган лирик асарларнинг адабий²³ хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Кейинги даврларда ўзбек мумтоз адабиётининг матн ва поэтик хусусиятларини ўрганиш борасида қатор йирик талқиқотлар бажарилди²⁴.

Романтика, мутолаа инсон маънавиятини сайқаллаштиради. “Ҳар бир инсон ақл-заковатини ўткирлаштирамоқ учун, маданий савиясини юксалтирамоқ учун бутун умри давомида бир дақиқа ҳам тиним билмай курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Бундай меҳнат шу бутундан бошланмоғи зарур. Одам учун ақлни пешламоққа, маънавий дунёни бойитмоққа имкон берадиган воситалар кўп. Шулардан энг самарадори, энг қулай, энг беминнати ва энг қамчиқими китобдир”²⁵.

3-фаслда бадий нутқ таҳлилининг герменевтик мезонлари ўрганилади. Унда бадий асар тилининг адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи

¹⁹ Форобий А. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, 1993.

²⁰ Шу асар. – Б. 110-125.

²¹ Навоий. Мезон ул-авзон. – Тошкент, 1974.

²² Навоий. Маҷолис ун-нафос. Илмий-танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1977.

²³ Бобур З.М. Мухтасар. – Тошкент: Фан, 1971.

²⁴ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965; Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1961.

²⁵ Носиров О. Ўзбек адабиётини таҳлил қилган. – Тошкент, 1972; Иванов С.Н. Пять веков узбекской поэзии в красе

искусства. – Тошкент, 1982; Исхоков Е. Навоий поэтикаси. – Тошкент, 1983; Стеблева И.В. Семантика газелей

мажорати. – Тошкент, 1982; Султон И. Адабиёт назарисо. – Тошкент, 1986; Тожибоев М. Муҳаммад Шайбоний

Бабура. – М., 1982; Султон И. Адабиёт назарисо. – Тошкент, 2006.

²⁶ Шарафуддинов О. Маънавий камолот ёлқинлари. – Тошкент, 2001. – Б. 85.

Иккинчи категорияни бой сўзлар ташкил қилади. Айрим сўзларнинг маъноси маълум бир давр мобайнида кенг даражада шаклланади. Айнан шу ҳолда сўзнинг маъно бойлиги юзага келади. Бундай сўзлар бой маъноли сўзлар ҳисобланади.

Айрим ҳолларда бой сўзларнинг ҳам эфемер – ўтқинчи маънолари шаклланиб туради. Ўтқинчи маънолар кенгайиб бора-бора доимий сўзга ҳам айланиши мумкин. Масалан “китоб” сўзининг “синов”, “тажриба” маънолари “хаёғ китоби” жумласи орқали шаклланган эди. Кейинги вақтларда яққа ҳолда қўлланилганда ҳам бу сўзнинг шу маъносини аниқлаш мумкин бўлиб қолди. Бой сўзларнинг маъно тармоқларини аниқлашда дистрибутив вазият шарт эмас.

Юқоридатилардан маълум бўладикки, бадий асар ёлқини унинг ғоясини жамиятга етказишнинг воситасидир. Бу восита бадий асарнинг талқинини ижодий аманга ошириш орқали намоён бўлади.

Диссертация ишининг иккинчи боби “Герменевтик лингвopoзтика ва грамматик талқин” деб аталади ва биринчи бўлимда матн лугавий таркибининг гербаризм тахлили ўрганилади. Гербаризм терминининг асосида турган “гербарий” сўзи лугавларда қуйидагича таърифланади: [лот. herbarium < herba майса, ўсимлик] – 1) тизимли ўрганиш учун тушланган ва қуритилган ўсимликлар коллекцияси; 2) коллекция сақланадиган ва қуритилган ўсимликлар йиғиладиган, уларни илмий қайта ишловга етказадиган ташкилот номи.²⁶ Бу сўзнинг асосида ётган “герб” терминига эътибор қаратайлик. Герб хозирда бирор бир давлат ёки сулоланинг рамзи сифатида юқори даражадаги учрашув ёки наشرларда қўлланади. Гербнинг намоён қилиниши ўша жойда герб таалуқли бўлган давлатнинг вакили иштирок этаётганидан далolat беради. Бу ўринда силлогизм орқали биз бир инсон ёки биргина герб иштироки орқали бутун мамлакат ёки унинг ортида турган бутун бир халқни тушунишимиз мумкин бўлади. “Герб” терминидан ясалган гербаризм ҳам бир асос, бир белги асосида ётган маъно, аҳамиятни унинг асрлар оша шаклланган шохлари, улар орасидаги грамматик парадигмаларнинг фонетик, лексик-семантик тахлилини шажаравий тарзда амалга оширади. Гербарийда биз дарахтни, унинг келиб чиқиши, тури, нави, ёши кабиларни ўргансак, гербаризмда сўзнинг этимологик шохобчаларининг грамматик товланишини нафақат диахрон, балки геометрик аспектда кузатамиз. Бу термин фанда биринчи бўлиб Шлейермахер томонидан истилоҳ сифатида киритилган. У матнни грамматик аспектда тахлил қилиш учун сўз ва тушунчаларнинг ибтидо олган дастлабки маъносини яратишда гербаризм усулини қўллашни тақлиф қилган эди.²⁷

Гербаризм методи филологияда ўта муҳим архетип ёки қадимий сўзларнинг фонетик ёки морфем таркибини тиклаш орқали семантик таркибини шакллантириш методи бўлиб, унда сўз ёки сўз ортидаги бутун

бошли матннинг аввало ўзини, қолаверса, ўша матн орқали шаклланадиган бутун бошли тушунчалар тизимини тиклаш демакдир.

Мумтоз адабиётдаги гербаризм намуналарининг талқини, таҳрири бу – ўша давр руҳини тушуниш, ўша давр маънавий муҳитига кириш демакдир. Гербаризм яна асар таркибидаги архетипларда гербарий қилинган ўша давр одамларнинг катта ёки кичик шаклдаги руҳий прообразларини, прототипларини яратилишдан иборат.

“Герб” термини орқали шаклланадиган бундай тушунча гербаризм терминининг этимологик маъносига ҳам урғу беради. Хусусан, бир сўз ёки истилоҳ ортида турган бутун бошли воқеликни аниқлаш учун замин яратади.

Гербаризмда матн таркибини ўрганиш борасида ва унинг тахлилида биз қуйидагича классификацияни алоҳида таъкидлашимиз лозим: Фонетик гербаризмлар. Морфологик гербаризмлар. Лексик – семантик гербаризмлар.

Хозирги туркий тилларда фаол лугавий қатламда бўлган “бобо”, “момо” сўзларининг гербаризм тахлилига эътибор қаратайлик. Аслан, бу сўзлар Одам ато томонидан биринчи бор талаффуз қилинган жумла ёки унинг номларидан ҳисобланмиш биргина “абабака” сўздан олинганлиги билан характерланади. Айнан шу ҳодиса бу товушларнинг дунё халқлари алифболарида биринчи ҳарфлар яратилишига асос бўлган бўлиши мумкин.

Хусусан, хозирги ўзбек тилидаги “бобо” ва “момо” сўзларининг гербаризм тахлили уларнинг инсоният тарихидаги энг қадимги тушунча – “ярагувчи” тушунчаси учун асос бўлганлигини билдиради. “Бобо” аслида “абаба” шаклида бўлиб, даврлар ўтиши мобайнида “баба”, “аба”, “буви”, “бова”, “бава”, “оба – опа” каби фонетик парадигмаларни яратган. Абабакадаги “ака” қисми эса, “ака”, “ока”, “ока”, “ога”, “ога” каби шакллар билан фарқланади. Бу ерда мана шу доирадан ўсиб чиққан яна бир сўз бу “тага-лада”, тата “татар”, “татар”, “тотор” каби вариантларда қадимий туркий манбаларда акс этган.

Турли туркий тилларда “момо”, “ана”, “анна”, “она”, “она” каби шаклларда қўлланадиган сўзларнинг ҳам бирламчи асл шакли “баба”, “мама”, “аба” кабиларнинг турли фонетик варианты бўлган. “Аба” аслан “баба”дан олинган бўлиб, эр кишига нисбатан қўлланган сўз. Хусусан, “Култегин” битигида “Апа тарқан” жумласи эр кишига нисбатан ишлатилган. Қозоқ тилидаги “Абай” эр кишининг антропоними сифатида яна “ота” маъносига корейс тилида “апа”нинг қўлланиши бу фикрни тасдиқлайди.

Апанинг аба билан бир сўз эканлиги аён. Қолаверса, “б” товушининг “п”, “м”га ёки бошқа тилларда бошқа товушга ўтиши натижасида рус тилида “бобо”дан “папа”, “момо”дан “мама” ёки эроний тилларда падар-модар, инглиз тилида фазер-мазер кабиларнинг келиб чиқиши юқоридаги фикримизни асослайди, уларнинг фонетик вариацияси семантик – стилистик мундарижасини кенгайтирган, холос. Одам Ато, яъни “абабака”нинг жансий нейтраллиги араб тилидаги “туғувчи”, “ярагувчи” маъносига “ёлид”, қудди шу маънонинг қўллик шакли – рус тилида “родители”, инглиз тилида “parents” кабиларнинг “ота-она” маъносини аниқлаши билан исботланади.

²⁶ Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1983. – С. 121.

²⁷ Шлейермахер Ф. Герменевтика. Перевод с немецкого А.Л. Вольского. – СПб.: «Европейский Дом», 2001 – С. 62.

маълумотлар ибтидои учун асос беради. Ваҳоланки, “жажжи”нинг ўзи “жижи” дан олинган бўлиши мумкин.

Абулғозий ўзининг “Шажараи турк” асариде бир маълумотни келтирган. Чингизхон ўғлини кутиб олиш учун пешвоз чиқади ва хамирга солиб келинган ўғлини қўлига олиб, “Жўжи келди”, “Жўжи келди”, - дейди. Абулғозий давом эттириб ёзади: “Жўжи” теманинг маъноси мўғул тилида “меҳмон” бўлур”, - дейди.

Бу маълумотдан маълум бўладики, “Жўжи” аслида “меҳмон” маъносидеги сўздан олинган исм. Ҳозирда бу сўзнинг турли фонетик вариациялари туркий тилларда “бола”, “ёш инсон”, “чақалоқ” каби маъноларда фаол ёки диалектал лексик қаторни тўлдиреди. Масалан, ўзбек тилида “жуужук” шаклида ёш болаларни эркалатиш учун қўлланса, бошқирд тилида умуман “бола”, “ёш инсон” маъносидеги тушунча “жўжик” ҳамда турк тилида ҳам худди шу маънолардаги тушунча “меҳмон” маъносининг хали билан ясалади. “Жижки”нинг таркибиде мўғулча “меҳмон” маъносининг асос ҳам сақланганлиги билан изоҳланади. Аслида эса, империянинг номига асос солган “жужан” истилоҳи хитойча “жуан-жуан” - “чақирилмаган меҳмон” сўздан келиб чиққан бўлиб, мўғул тилидаги эски маъноси билан уйкаш келади. Бу сўзнинг фонетик таркибидеги “ж”, асли “дж” бўлиб, унинг “нурнинг ёки сувнинг оқиши” маъносидеги “жу”дан ясалганлигига ишора қилади. Унинг “дж”га уйкашлиги яна “нур сочиш”, “сув ёғиши” маъноларида “жу-жу” ёки “дув-дув” равишини эслатади. Борлиқнинг асосиде аслида нур бўлганлиги, унинг кейин сувга, сувдан тупроққа айланганлигини хисобга олсак, “жу-жу”нинг “нур” ва “сув” маънолари экзотика эмас, борлиқнинг яратилишида аввалда нур бўлган, кейин эса, сув.

“Жу”нинг сув ва нур маъноси хинд - европа тилларида ҳам сақланган. Инжу - “сувда яширинган нур”. Байроннинг “Дон Жуан”ида ҳам бу образ исми “нурли, ёқимли, дилтортар” маъноларидан олинганлигига ишора қилади. Америка хиндулари тилида ҳам худди шу маъноларда бу сўзнинг мавжудлиги уларнинг тарихий географияси чегараси жуда катталигига ишора қилади: уни хали ўрганиш керак.

Шабоний лирик меросини биз биринчи ўзбек постмодернизми намунаси деб аташимиз мумкин. Зеро, айнан унинг ижодида дастлаб газал жанрининг деконструкцияси, яъни газалдаги анъанавий қатъий метёрларининг “бузилиш”и кузатилади. Бинобарин, газал таркибидеги аввалда клишега айланган сўз ва сўз бирикмаларидан фарқли ўларок, янги сўз, сўз бирикмалари, бадий конструкциялар киритилган.

Муқимийнинг ҳажвий мероси, Фурқатнинг маърифатпарварликка оид маснавийларини шундай тажрибанинг намунаси, деб аташимиз мумкин, Аваз Умар ўзининг “Тил”, Завакий эса, “Ахли раста ҳажви” каби асарлари билан бу борада анча катта муваффақиятга эришганлар. Муҳаммад Шабоний томонидан қўлланган ижодий новаторлик XX аср ўзбек адабиётиде Ҳабибий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов қабиларнинг ижодий мероси мисолда янада жанри тараққийотида янги нафас олиб кирган дейиш мумкин.

Бу ўринда “бобо”нинг асли “баба”, “момо”нинг асли “мама” ҳам аслан “абаба”нинг фонетик варианти бўлиб, туркий тилларда кенг учровчи фонетик оппозициянинг натижасидир. Ҳозирги туркий тиллар, масалан ўзбек тилида бу сўзнинг аба, баба, оба, буви, бова, бобо, опа, она, эна, ана каби қатор фонетик вариантлари яқин қариндош номи сифатида қўлланади.

Бу сўзнинг рус ва бошқа тиллардаги фонетик ва семантик тараққийоти ҳам қизиқарли маълумотларни беради. Қолаверса, “ога” ва “бобо” маъносиде “дед”, “деда” ундан ўсиб чиққан “ада”, “ата”, “буви”, “момо” маъносидеги “баба” сўзларида ҳам уларнинг юқоридеги лексик-семантик вариациялардан узоқ эмаслиги кўриниб турибди. Бу борада бизга яна уларнинг рус тилидаги яқин қариндошлик маъноларини аниқлашчи “отец”, “дядя”, “тётя” каби турли вариациялари ҳам фикримизга далил бўла олади. Ҳинд-европа тиллари оиласидеги бошқа тилларда “ога-она” маъносидеги падар-модлар, фазер-мазер, инглиз тилида яна “daddy”, “mummy” каби вариацияларнинг мавжудлиги туркий тиллардаги яқин қариндошликни аниқлашчи сўзларнинг гербаризм таҳлили борасиде янада муҳим аргументларни яратимиз учун материал бера олади ва диссертацияда бу ҳодиса бир қатор мисоллар билан тасдиқланган.

Тарихий манбалардан маълумки, милондинг бошларида ҳозирги Хитойнинг шимолий ўлкаларида турли халқлардан иборат Жужанлар империяси вужудга келган. Қатор манбаларнинг далолат беришича, жужанлар асли ўз юртидан қайдалан ёки сиқув ва зулмдан қочиб келган одамлардан ташкил топган турли халқлар вакиллари бўлган²⁸. Хусусан, ўзбек халқ эртақларидан бўлмиш “Маликаи Хуснибод” асосиде яратилган Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул ва Бахтиёр” достониде Ойгул ва Бахтиёр Журжон ўлкасига бориб, у ерда ўзларига ўхшаган сиқув ва подшоҳ зулмидан келган одамлар, мазлумлар қуршовиде ўз бахтларини топади. “Журжон” - бу тарихдан бизга маълум Жужан империясининг маҳаллий тилда талаффуз қилинган номидир. Бу манба бизга Жужанлар империясиде туркий халқлар ҳукмронлиги ҳақида маълумот олишимиз учун асос беради. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асариде бу мамлакат одамлари “ягжу-ж-мавжу-ж”лар деб атаган.

Ҳозирги ўзбек шеваларида кенг қўлланадиган “жижи” сўзнинг этимология кирралари гербаризм методи билан ўрганилганда бу сўзнинг нафақат туркий ёки олтой тиллари, балки инсоният тарихидеги энг эски истилоҳлардан бири эканлиги маълум бўлади.

“Жижки” - “янги туғилган чақалоқ”, “тўдақ” ёки “кичкина бола” маъносиде шеваларда қўлланади. Унинг келиб чиқишини кўпинча “жажжи” билан боғлайдилар: жижки жажжининг бузилган шакли сифатида қабул қилинади. Албатта, бу сўзлар ўртасиде фонетик ва семантик жиҳатдан ўхшашлик мавжуд; аммо мавжуд нарсаси, бу - ўхшашлик, холос. Зеро “жижи”нинг этимологияси тамомила бошқа ва у бизга жуда катта тарихий

²⁸ Раҳмон Н. Турк ҳоқолиги. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1991. - й. 88

Иккинчи фасда гербаризмларнинг семантик – стилистик муқоясаси ўрганилади. Ўзбек мумтоз адабиётидаги лингвопоэтик воситалар, адабий клишеларнинг тил луғат таркибининг тараққиёти асносида шакл ва мазмунда янгилашиши табиий жараён. Гербаризм тахлили эса, бундай жараённи синхрон ва диахрон аспектда кузатиб, бадиий нутқнинг тараққиёт омилларини тўғри баҳолашда назарий пойдевор бўлади. Диссертацияда мазкур сўзлар “Девону луғатиг-турк”, Шабоний девони ва бошқа айрим луғатлар, ёзма манбалар мисолида ёритилган.

Учинчи бўлимда мумтоз адабиётда лингвопоэтик парадигмалар герменевтикаси ўрганилган. Бу ерда шеърнинг бундай ўзига хос кўринишини удралаш, асарларида оригиналлик ҳолатини таъминлаш, бинобарин адабий герменевтиканинг юқори даражасини шакллантириш истезоднинг ёрқин қирраси ҳисобланади. Сўзларнинг лингвопоэтик имкониятлари асносида Шарқ поэзиясида ийҳом ва тажнис санъатлари хосил қилишда фойдаланилади.

Шоир шаклдош сўзлар семантик имкониятларини мукаммал эгаллагани ҳолда поэтик ранг-баранглик чегараларини кенгайтиради. «Ён» сўзи ҳозирги ўзбек тилида ҳам икки-«томон» ва буйруқ феъли маъноларида қўлланади. Эски ўзбек тилида унинг яна «орта қайтмоқ» маъноси ҳам фаол луғавий қатламда бўлган. Шабоний сўзнинг бу маъноларини бир матн доирасида уюштириб, матннинг ўқимишли, жозибador ва серқирра маъноли бўлишига эришмоқда:

Яна дўстлар фироқи бир соридур

Фирокдин ёнмадим ёндим деганда 11 а.

Шоир бир байт тарқибига шаклдош сўзларни қўллаш билан бир қаторда уларнинг ҳар иккаласига омоним маъноларни юклаб шеърнинг таъсирчанлиги ва маънодорлигини кучайтиришга эришган. «Фирок», «хижрон» маҳбубни ёндирди, «ёнмоқ» феълнинг «қайтмоқ» мотиви иккинчи мисрада янги маънога, «фироқни ўз ихтиёрим билан танладим» маъносига асос солмоқда. Юқоридаги тахлил асосида байтнинг мазмунини «фироқ азоби мени ёндирди, бироқ мен фироқ азобидан кўрқиб ортга, (севгидан) қайтадиганлардан эмасман» - маъноси шаклланади. Хусусан, қуйида икки жумлада шаклдош сўзларни ёнма-ён қўллаб маънони сўз ўйинининг ичига буркайди:

Етти оҳмининг тутуни етти айвонигача 12 б.

Архаик элементлар вақти-вақти билан нафақат мотив ёки сўз ўйини учунгина қўлланган, балки сўз ўйини орқали ижтимоий-бадиий онгнинг ёки қалб руҳий манзарасининг мазкур ҳолатдаги тасвирини очишга имкон берган мотивни шакллантирган. Қуйидаги мисрада шоир сўзнинг омонимик ассоциацияси орқали поэтик образга нисбатан сентиментал ҳиссиётини уйғунлаштиришга эришган:

Сени юборгали шодим, ўзумда йўқ шодлиг 119 а.

Қадимги турк хоқонлигида «шад» мансаб ва лавозим сифатида хоқондан кейинги даража сифатида қўлланган. Шод, шунингдек, қўшиннинг сўл қанотига қўмондонлик ҳам қилган. Шеърда бу термин «кувнок» маъносига

«шод» сўзи билан семантик-стилистик алоқага кирган. Параллел санъатлар орқали тамонила янги герменевтик майдонни яратган.

4-фаслда гербаризм тахлилида концептуал парадигмалар тахлил қилинган. Бобур жой номларини келтириш билан бирга уларнинг таърифини, жой номининг қандай пайдо бўлганини таърифлаб ўтади. Бу ишни у бевосита хикоя ичида, воқеалар давомида бажарадики, асарнинг тарихий ва илмий аҳамияти, бинобарин, унинг бадиияти зўради.

Бобур лирикасини герменевтик ёки архитетоник нуктаи назардан ҳам мангикан, ҳам шаклан ўрганганимизда унда истезод ва аччиқ ҳаёт таърибаси нақадар мукаммал уйғунлашганлигининг шохиди бўламыз. Яна муҳими, шу уйғунлиқни ифодага келтирган шоир асарларида тилнинг қудрати. Мисол тариқасида унинг бир рубойинини тахлил қиламыз.

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир,

Яхши киши ёмонлиг кўрмагай ҳаргиз

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Рубой луғавий таркибининг манتيқий конгломерациясининг гербаризмдаги тахлили бизга қуйидаги ғоявий полюсни тақдим қилади. Шу бир рубойда Бобур эски ўзбек тили имкониятларидан маҳорат билан фойдалангани ҳолда улкан бадиий ғояни таший оладиган асар яратишга эришган.

Рубойий ғоясининг схематик концепт констатацияси шундай:

Вафо – вафо жафо – жафо

(яхши) (яхши) (ёмон) (ёмон)

Яхши – ёмон Ёмон – жазо.

Бутун мунозара шу тўрт сўз (вафо, жафо, яхши, ёмон) воситасида ягона концепт – жазо билан ҳулосаланган.

Амриий ўз асарларида турли мавзуларни олиб қирада, бунинг натижаси ўларoқ шоир тавсифлаётган ҳолат ёки хусусият қатор жой номлари билан боғланади. Айрим ҳолларда топонимлар ғазал мазмунига мувофиқ равишда герменевтик жараёнда илтироқ этади. Ўзига хос концепт яратлади:

Бош олиб ҳажрингда сайри Сабзавор айлай (274).

Сабзавор “ўтлоқ”, “жой номи” маънолари билан асар мазмун доирасини, унинг тушунилишидаги семантик парадигмани кенгайтириш учун қўллаган.

Моҳларойим Нодирадан бизга қадар учта девон етиб келган. Нодира асарлари тилининг энг характерли хусусияти бу – замондошларда бўлгани каби кўп ҳолларда сўз ва сўз шаклларининг ғарбий туркий тилларга хос вариантлари қўлланганилидир. Хусусан, жўналиш келиши – а (йа) билан ифодаланади: жаҳона, муға, кўзгуя, доға қабиларда. Қолаверса, берди-верди, бундай-бўйла, йўқ-йўх, кўп маъносидда чўх қўлланиши бу фикрларни тасдиқлайди.

Жаҳон отин Увайсий XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган истезодли шоирадир. Увайсий айрим ғазалларида рамзий тимсолларни қўллаб, уни тақрир санъати билан безайди, маъно парадигмаларининг янги рангларини топади.

кўриниши бўлса, иккинчи томондан, ўзига хос бир дунё. Бадий асарда унинг қаҳрамони ўқувчи наздида бутун инсоният тақдирини яраётган сиймо бўлиб кўринади. Унинг ўрни ва аҳамияти асар воқеалари шаклланган жамият учун муҳим, чунки биз, яъни жамиятнинг бошқа аъзолари, унинг борлиги ва фаолиятини кўпинча сезмай ҳам қоламиз. Асарни ўқиш жараёнида ўқувчи учун ҳаёт, борлик, бутун, жамият фақат шундай қаҳрамонларнинг атрофида мужассамлашгандай бўлади.

Бу ўринда тақдим қилинган билиш методи борлиқни рационал ўзлаштиришга қаратилган. Герменевтик тушуниш эса, уни бадий – сентиментал тушуниш категорияси сифатида қабул қилади. “Герменевтика бу – энг аввало тушуниш санъатининг амалда қўлланилиши демакдир... ва бу ўринда тушунинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш зарур”²⁹

Герменевтик тафаккур силлогизм орқали минг йилликлар тақдирини бир ёки бир неча тасвир билан етказди. Фирдавсий “Шохнома” да уч минг йиллик эроний халқлар тарихини уч кунлик мутолаага мужассам қилган.

Бадий асар мазмуни ва сюжетини трансформация қилиш жараёнида биз бутунлай бегона инсон тақдирини асардан олиб ўз тақдиримизга айлантираемиз, яъни ижодкор яратган образлар билан бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар худди биз билан, китобхон билан юз бераётгандек, бўлиб кўринади. Худди шу асосда биз асар сюжетини ўз тақдиримизга трансформация қилаемиз. Худди асар ичида, унинг воқеа-ҳодисалари ичида яшаётгандек тасаввур қилаемиз ўзимизни. Бундай тасаввурни бизга психологик трансформация тақдим қилади.

Бу ўриндаги яна бир муҳим ҳолат бу – фантазиядир. Юқори савияда яратилган бадий асарлар бизга фантазия учун материал беради. Шу сабабли асар доirasida ўзимиз яратган дунёда ўз фантазиямиз ичида ўзимиз ҳукмронлик қилаемиз, ўзимиз яратаемиз, ўзимиз йўқка чиқарамиз. Ҳар қандай фантазиянинг базаси тасаввур. Иллюзия-тасаввурни уйғотиш ва шакллантиришдаги энг муҳим ҳолат бу – пафос. Пафоссиз ҳеч қандай санъат, ҳеч қандай поэтика ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки айнан пафос инсон руҳини уйғотади, унинг яратувчилик иштиёқини бошқаради. Айнан пафос фантазиядаги энг асосий бошқарувчи кучдир.

Асарда акс этган алоҳида дунё биз учун идеал дунёга айланади. Биз ўзимизни айнан ўша дунёдагина бахтли хис қилаемиз. Биз мутолаа жараёнида руҳланамиз, илҳомланамиз ва ўз-ўзимиздан буюк ишларга чоғланамиз, зеро билдимизки, “Ғоянинг улуғ кўнғироғига занг уриш вақти келди.”³⁰ Айнан шу ҳолатни Аристотель катарсис деб атаган эди.

Айрим олимлар лирик асарлар мисолида герменевтик тадқиқотлар олиб боришга ишончсизлик билдирадидилар. Кейинги вақтда герменевтика борасида яратилган асарлар бундай қарашларнинг нотўғрилигини исботлади.³¹ Ҳар

Тоғ ҳамун соҳиби Фарход, Мажнун дўстлар,
Мажнун Фарход, Ширин тоғ ҳамун дўстлар.

Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари мисолида олиб борилган киска таҳлил бизга герменевтик гербаризмнинг бадий тил ифода имкониятлари тараккиётидаги ўрни ва аҳамиятини муҳимлигидан далолат беради. Айниқса, ўрни билан турли тиллардан олинган лексик-семантик, стилистик воқеалар нафақат маълу асар тили, балки умумхалқ тили ва менталитетда луғавий санъат орқали эстетик диднинг янги манзараларини яратган.

Диссертация ишининг 3-боби “Бадий матннинг лисоний ва психологик герменевтикаси” деб номланган бўлиб, унинг биринчи фаслида “Герменевтикада психологик аспект мезонлари” ўрганилган. Сентиментализм бадий сўз санъати бўлмиш адабиёт, аниқроғи умуман санъат дунёсининг борлиги, чунки санъат борлиқни фақатгина хиссиёт, тасаввур билан қабул қилади, тасаввур билан яратди, тасаввур билан ўзгарилади. Бас шундай экан, санъат дунёсида инсон тасаввур билан яшайди, тасаввурнинг негизи эса хиссиёт, борлиқни хиссий англаб етишдир, айнан шу ҳолат сентиментализмдир. Шунингдек, тасаввурда макон ва замон категорияларининг ҳам умуман аҳамияти йўқ. Чунки улар буюк рамзий, илоҳий тушунчалар билан истифода қилинади. Илоҳийлик эса, ҳар қандай макон ва замондан ташқарида бўлади.

Герменевтик методда Шлейермахер икки аспектни ажратиб кўрсатган: 1. Грамматик методда Шлейермахер икки аспектни ажратиб кўрсатган: мундарижасини ташкил этган сўзларнинг грамматик, лексик-семантик имкониятлари асосида яратилган мазмун, моҳият, воқеа-ҳодиса, сюжетнинг бирламчи мазмуни етақчи хисобланади. Яъни сўзларнинг луғавий-грамматик маъноларига таянилади ҳамда шулар воситасида маълум бир воқеа-ҳодиса инъикосини яратди. Бу оддий ҳолат. Биз учун муҳими эса, асар матнининг маъно шу бирламчи мазмунига таянилган ҳолда ундан янги турли мазмун ва маъно, сюжетлар, бошқача қилиб айтганда янги воқеа-ҳодисалар дунёсини яратиш, фантазия қилиш имкониятини шакллантира олиш муаммоси. Бундай таҳлил психологик аспект деб номланади. Ва бинобарин, бундай тушуниш ҳам бир қанча метод ва усулга таянади: Силлогизм, яъни воқеа-ҳодисалар шаклланишини индуктив ва дедуктив методда ўрганиш ёки бутуннинг қисмга, қисмнинг бутунга муносабатини шакллантириш; Трансформация, яъни воқеа-ҳодисаларни руҳий-психологик аспектда бир жараёни иккинчисига кўчириш, яъни ривоят қилинган асар сюжетини китобхон тасаввурда турли шароит ва образлар иштирокида турли мазмун, турли макон ва замонда шакллантириш. Иллюзия, яъни тасаввур; асардаги воқеа-ҳодисаларни тасаввурда яратиш, кўриш, шакллантириш, яъни бадий асардаги конкрет борлиқни абстрактлаштириш имкониятидан фойдаланган ҳолда асар воқеалар тизимини тасаввурга кўчириш ва уни инсон тасаввурини унинг ички дунёсига айлантириш.

Бу методларнинг биринчисида биз барча асарлардаги қанча ёки қанча воқеаларнинг умумий ёхуд хусусий бирлигини тушунамиз. Ҳар бир асардаги хусусий бир воқеа-ҳодиса, бир томондан, улкан ва чексиз борлиқнинг бир

²⁹ Hahn - Georg Gadamer, "Reflection on My Philosophical Journey" in The Philosophy of Hans Georg Gadamer, ed. Lewis Edwin Hahn (Chicago and La Salle, Ill. - Open Court, 1977), стр. 33. Қарағ: Тисслетон Э. Герменевтика. - Москва, 2008. - С. 8.

³⁰ Герменевтик. - Москва, 2008. - С. 8.

³¹ Тисслетон Э. Герменевтика. пер. с англ. - Черкасск, 2011. - 430 с.

қандай герменевтика етук тугалланган асарга таанади, бу аниқ аксома. Бироқ лирик асарларни тугалланмаган дейиш муаммоси мунозарали ва шубхали.

Иккинчи фаслда бадий матн герменевтик тахлилининг муносабат категориялари тахлил қилинади. Бу ўринда муаллиф ёки ўқувчининг борлиққа муносабати ҳамда сўз маъноси орқали ясаладиган психологик трансформацияси даражаси ва самарадорлиги нуқтаи назаридан икки категорияга бўлиниши мумкин: Глобал герменевтика. Индивидуал герменевтика. Глобал герменевтика фақат ер сайёрасини эмас, балки бутун борлиққа нисбатан гоъларни ифодалар экан, энг аввало, "томчида куёш акси" тушунчасига асосланади. Диссертацияда Машраб ғазаллари мисолида шу фикримизни исботлашга ҳаракат қилганмиз.

Учинчи фасл поэтик образ ва тасаввур санъатига бағишланган. Бадий адабиёт герменевтик тахлили доирасида тасаввур тушунчаси катарсиснинг ўзига хос босқичлари мавжуд. Тасаввур психологик жараённинг натижаси сифатида инсон борлигининг муҳим қисми. Ундаги жараёнлар инсонда хиссий борлиқнинг акси сифатида мужассам бўлади. Инсон тасаввурдаги барча воқеа-ҳодисалар ҳар бир инсон учун алоҳида автоном дунё намунаси бўлиб қолаверади. Уни фақат тасаввур эгасининг нутқи: хоҳ ёзма ёки оғзаки орқалигина англаш мумкин. Тасаввур ҳар бир инсон руҳий эркинлигининг исботи. Бу ерда энг муҳим факт тасаввур эркинлиги. Ҳеч ким ҳеч қачон ўзга инсон тасаввур дунёсига дахл қила олмайди, уни эгаллай олмайди. У мустақил ва эркин яратиш ёки яшаш имкониятига эга. Шу тамойил асосида яна тасаввурнинг ўз ички қурлиши ва унинг босқичлари ҳақида гапириш ўринли. Диссертацияда тасаввурнинг тўртта босқичи бағавил шарҳланади.

Тўртинчи фаслда коммуникатив мезонларнинг психологик аспекти ўрганилган. Ҳис қилиш даражаси турли одамларда турлича кечар экан, унинг даражасини коммуникация орқали аниқлаш мумкин. Коммуникация бу - фақат ахборот етказишдан иборат эмас, балки унинг замирида улкан воқеа-ҳодисаларни ўзаро тушунишниг мураккаб силсиласи ётади. Коммуникация бу - икки одамнинг жонли мулоқотидан тортиб, минг йил аввал яратилган китоб мутолааси орқали муаллифнинг ўқувчи билан "тиллашуви"ни ҳам камраб олади. Бинобарин, коммуникацияларнинг шакли ва тури чексиз экан, икки ёки ундан ортик инсоннинг матн орқали "сўзлашуви" ҳам герменевтик методнинг чексиз парадигмаларини ярагади.

4-боб "Психологик аспектнинг лингвопоэтик қирралари" деб номланади. Унда куйидагилар ўрганилади. Биринчи фаслда кўланка назарияси ва герменевтик прагматизм муносабатлари тахлил қилинган. Бу бўлимда санъат герменевтикасининг энг муҳим қирраси - бадийлик моҳиятини ўрганишда янги қарашларнинг атрибутлари ёритилган. Унда бадий санъатнинг хозиргача номаълум қирраси, уни тушуниш жараёнида очилдиган томонлари кўрсатиб берилган. Диссертациянинг мавзу моҳиятига бинвоан бадий асар сюжетни фантазия ва тўқиманинг силлогизмдаги вариацияси ҳамда унинг кўланка назарияси орқали иллюзия билан

шаклланишини ўрганиш ҳамда бадий тафаккур ва беллетристикадаги ифодасини тахлил қилишдан иборат.

Иккинчи фаслда герменевтик тафаккур ва методлар муносабати ўрганилган. Фаслда сентиментализмга асосий эътибор қаратилган.

Таъкиллаш керакки, тадқиқотчилар яна бир муҳим нуқтада бадий тафаккурнинг герменевтик имкониятларини тўғри баҳолай олмайдилар. Ваҳоланки, глобал герменевтикада воқеалар тасодифий эмас, улар вақт стрелкасининг исталган бўғинида юз бериши ёки такоррланиши мумкин. Бадий адабиётнинг умр боқийлиги талабларидан яна бири ҳам айнан шу нуқтани топа билишда ёки тўғри аниқлашда.³²

Герменевтик тадқиқотлар тарихидан маълумки, Уйғониш даври адабиёти Европада классицизм адабиёти учун замин хозирлади. Антик адабиётдаги юқори услубдаги характер, тил воситалари ҳамда буюк инсонпарварлик, ватанпарварлик гоълари ифодаси кўпинча асар персонажларининг бир хил характери, бинобарин бир хил нутқ услубларини талаб қилар эди.

Ўзи актёр ва заковатли инсон бўлган Шекспир нафақат нутқ билан, балки хитоблар, хатти - ҳаракатлар, сўзларни такрорлаш билан ҳам иштирокчи шахслар қалбдаги туйғулар ҳолатини ва ўзгаришини ифодалай билган.

Шекспирда ҳамма нарсa бўрттириб берилган - хатти - ҳаракатлар бўрттирилган, уларнинг оқибати бўрттирилган, иштирок этувчи шахсларнинг нутқи бўрттирилган. Бу ва бошқа поэтик воситалар Шекспирнинг давр ва жамият руҳини тўғри белгилай олганини ҳамда асар гоъсини китобхон учун ёрқин ва жозибалдор қилиш учун кўпинча турли усулларга мурожаат қилиш орқали амалга оширишини кўрсатади.

Учинчи фаслда бадий тафаккурнинг поэтик ифодаси ўрганилган. Бадий тафаккур орқали борлиқ рангларини ўқиш ва ўқишнинг усуллари беҳисоб. Бу борада Европа адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга сазовор. Бадий гоъ яратиш жараёнида муаллифнинг тип, характер ва образнинг парадигматик имкониятларидан фойдаланиш маҳорати герменевтик шароитни тўғри белгилаш имкониятини яратган ҳамда бу ҳодиса кўплаб тадқиқотларнинг марказида турган. Жумладан, биографик қисса поэтикаси ва мундарижаси хусусида ёзар экан, Ирвинг Стоун куйидагиларни ёзади: Агар истиора ёрдамида фикримизни билдирмоқ истасак, бу жанрнинг асарлари айберига ўхшаган тарзда қурилмоғи шарт, яъни унинг ўндан бир қисми адабиёт уммонининг сағҳида, ўндан тўққиз қисми эса сув остида бўлмоғи керак. Агар муаллиф қоғозга туширганга қараганда дилида ўн баробар кўпроқ нарсa билмаса, унинг китоби бағоят бемаза бўлиб чиқади,³³ негаки у қоғозга туширмай қолдирган ўндан тўққиз

³² Толстой Л. Н. Шекспир ва драма тўғрисида // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. - Тошкент: Мънавият, 2010. - Б. 158-159.

³³ Стоун Ирвинг. Биографик қисса ҳақида // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. - Тошкент Мънавият, 2010. - Б. 100.

қисм яхлит ва бир бутун асар яратиш имкониятини беради, унга муайян хушбўй хид бағишлайди.

Яна шу ўринда ўзи учун “Мангу хотин” китобини ёзиш жараёнида 62 моддали талаб ишлаб чиққанни ёзади. Юқоридаги қоида ҳамда китоб ёзиш учун белгиланган моддалар бадий асарда муаллиф қўллаётган психологик манеранинг назарий асосларини яратар экан, иккинчи томондан уларда ўқувчи англаши зарур бўлган асар ғоясининг скелетига ишора ҳам мавжуд. Агар реалист воқеаларни ҳикоя қилиб берса, модерн санъаткор воқеаларни қандай ҳикоя қилиб бераётганини баён қилиб беради.³⁴

Модернизмдан кейинги давр санъаткори ортиқча воқеаларни ҳикоя қилмайди, улардан парчалар келтиради, холос.³⁵ Уни на ўз сўзлари билан айтиб бериб бўлади, на бошқа санъат тилига қўйириш мумкин. Ўз қобигига ўралиб олган сўз санъати ўз бағрида шундай бир ноёб нарсани асраб қоладикки, бу нарсани қалбакилаштириб бўлмайди. У дастхатга ўхшаш бетақдор адиб овозидир. Ҳамма нарсадан ҳам кўра бизга шу овоз кадрли, бутун бизни кўпроқ асарнинг ноёблиги эмас, балки ижодкор шахсининг ноёблиги хажонга солади.³⁶

Мендельштам ўз замонаси учун хайрон қоларлик даражадаги зийраклик билан шундай ёзган эди: “Атомистик санъатнинг сеvimли шакли бўлмиш танка миниатюрадай эмас, унда кўлам йўқ, чунки унда ҳаракат йўқ. У дунёга ҳеч қандай муносабатда бўлмайди, чунки унинг ўзи дунёдир”. Шарқ шеърляти воқеликни кўз ўнгимизда мана мен дегандек яққол кўрсатиб беради ва уни бир лаҳзада идрок этишга имкон беради. Моҳиятан бу шеърят забонсиз иш тутишини ўрганиб олган.³⁷

Америка синологи Стивен Оуэн Ғарбда Шарқ эстетикасининг энг яхши талқинчиларидан бири ҳисобланади. У ёзади: “Хитой шеърляти деразага ўхшайди - олисдан қоронги кўринади, яқиндан эса ёришиб кетади. Хитой шеърлятининг қаҳрамонлари- товушлар ва соялардир. Улар бизни шоирнинг “ғойиб бўлган манбаси” сари етаклайдилар.”³⁸ Ўз даврида Платон йўқликдан борлиққа ўтишни туғдирадиган ҳамма нарсани ижод деб атаган эди. Ижод нафақат борлиқни яратади, туғдиради, балки янги борлиқни яратишни ҳам кашф қилади.

Бадий тафаккур янги поэтик ранглар орқали дунёни кашф қилиш, бинобарин, янги дунёни яратиш демакдир. Бирок уни уқиш ва ўқиш учун ҳам алоҳида тайёргарлик зарур.

Тўртинчи фаслда қайд қилингандек, бадий матннинг турли талқинлари орқали бадий тафаккур қирраларини очиб бериш ва бу борда эътиборга олинган лозим бўлган матннинг лингвопоэтик қирралари адабий герменевтикани шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Сўз бадий матнда ғояга айланади, аниқроғи ғоя ташийди. “Сўзнинг лингвистик

³⁴ Стивен Ирвин. Биографик кисса ҳақида // Жаҳон адiblари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 105.

³⁵ Гейнс А. Қўлиб фотографияси // Жаҳон адiblари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 116.

³⁶ Гейнс А. Қўриштилан асар. Ушта бет.

³⁷ Гейнс А. Қўлиб фотографияси // Жаҳон адiblари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 125.

³⁸ Гейнс А. Қўриштилан асар. Ушта бет.

интерпретацияси асосида мазмун ётса, сўзнинг прагматик тафсири асосига маъно қўйиладикки, коммуникатив-прагматик шароит параметрларига мувофиқ ҳамда ўзаро тушуниш даражаларида маъно-моҳият ғояси муҳим роль ўйнайди. Шу боис “гапда (бу ўринда матн маъносида) сўз сўзлитини йўқотади” – деган машҳур метаморфоза яралаяди³⁹.

Тоннинг улугворлиги масофадан намоён бўлади. Бадий асарнинг қиммати ва аҳамияти ҳам миллий ҳудудни ёриб чиққанида аниқланади. Жаҳон адабиёти дурдоналари шунинг учун ҳам буюқки, улар деярли барча халқлар томонидан бирдай қабул қилинган. Шу боис Рудакий, Фирдавсий, Навоий, Шекспир, Сервантес, Пушкин, Гёте, Р.Тэгор, Диккенс, Байрон каби даҳо ижодкорлар асарлари нафақат географик масофа, балки вақт масофаси ортидан ҳам ўзига хос улугворлик касб этган.

V боб Бадий нутқ тахлилининг герменевтик мезонлари деб номланади. Биринчи фаслда бадий нутқ ва тил муносабатларига тўхталинган.

Умумхалқ тили онгнинг мавжудлик ҳолати. Ҳар бир инсон ўз онгини тил орқали реаллаштиради. Тил – бу ўринда онгнинг реаллик қалғи. Нутқ эса, тилининг ёзма, оғзаки, ички туйғуда реаллашган шакли. Сўз эса, нутқнинг, амалдаги тилининг товушда либосга эга бўлган кўриниши. Буларнинг ҳаммаси умумхалқ тилида умумий, айрим ижодкорда хусусий, индивидуал кўринишга эга. Индивидуал ижод индивидуал тилни, аниқроғи тилининг янги воситаларини талаб қилади. Индивидуал тил – ижодкорлик.

Иккинчи фаслда поэтик тахлил жараёнида мумтоз бадий нутқни тушунишга оид масалалар ёритилади. Ҳарат Навоий бадий асарни, унинг маъно-моҳиятини тушунишни, бадий талқинни шеършунослик, деб атаган экан⁴⁰. Биз ҳам шунга мувофиқ равишда шеършуносликни асар тилини тушуниш, унинг ғоясини англаб етиш, бинобарин, асар матни тахлили орқали ёлқин билан амалга ошириладиган герменевтик шароит деб ҳисоблаймиз.

Бадий асарда сўзларнинг шаклини атайлаб бузиб кўрсатиш ижодкорга муаллиф ёки қаҳрамоннинг индивидуал ҳалб манзаралари, психологик кечинмалари мундарижасини очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, Англия модернизм адабиёти отаси Ж.Жойснинг «Улисс» романида қаҳрамонлар монолоғи баён қилинар экан сўз, фразалар узиб қўйилади, гаплар тумгароқ, яримта-юримта шаклларда берилади, айрим саҳифалар фақат нуқталар билан берилган. Бундан мақсад қаҳрамон онгида юз бераётган психологик жараёнларнинг аниқ фотокопиясини таъминлашдан иборат эди⁴¹.

Учинчи фаслда матннинг геометрик тафаккур имкониятларини ўрганиш йўлга қўйилгани ҳақида сўз кетади. Бадий матннинг поэтик шаклланишида сўзларнинг қўпмақолиғи муҳим ўрин тутаяди. Шоир сўзнинг матни ичида мумкин бўлган маъноларини қўллаш билан ҳесланб қолмасдан оригиналлик ва поэтик талаб даъвоси билан сўзнинг номулккин маъноларини ахтариши

³⁹ Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Тошкент, 1988. – С. 17.

⁴⁰ Қаранг: Зайнулдин Махмуд Восфий. Вадойе ул-вакоъ, –Тошкент, 1979. – Б. 126.

⁴¹ Алксик Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. – М., 1975. – С. 381–388.

мумкин. Қўлланилган сўзнинг оригинал шакл ва маъно хусусиятларининг ўрни ва маъно муваффақияти шоир истеъдоди, маҳорати ва у мурожаат қилган тилнинг лексик-семантик имкониятлари билан боғлиқ. Бу ўринда конгениаллик ходисаси муҳим аҳамият касб этади, чунки кашф қилинган тафаккурнинг янги конгломерацияси уни ўраб турган ижтимоий муҳит томонидан тушунилиши керак.

Навоий, Бобур, Шабоний, Хожа, Машраб, Огаҳий Амирий, Нодира, Увайсий қабиларнинг асарлари маълум бир аснодаги аъъаналар доирасида яратилган бўлиб, асарларнинг магн архитектоник хусусиятлари, бадиийлик, мазмун-моҳият ҳамда асар поэтикасини таъминловчи лингвистик кирралари ўша давр поэтик тил аъъаналари асосида шакллантирилган. Албатта, шоирнинг поэтик новаторлиги, унинг бадиий маҳорати асарларнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилган.

Поэзия, бинобарин бадиий тафаккур табиий воситаларнинг инсон рухий дунёсига, руҳият тасаввурига кўчирлишга хизмат қилади. У бир нарсаларни характерлаш, тавсифлаш учун ўзга нарсалардан ўхшатиш, эпитетлар излайди. Маълум предметлар учун қўлланилган эпитетларнинг муваффақиятли чиқиши уни рамз (символ) даражасига кўтарди, аммо бу ўринда натижа эпитетнинг умумхалқ тушунчаси сифатида илоҳийлик даражаси билан ҳам боғлиқ. А.А.Потебня тилнинг луғат тарқибий бойиши жараёнида сўзнинг дастлабки маъноси йўқола боришини таъкидлаб, рамзининг пайдо бўлиши ҳақида фикр билдирганда, сўзнинг образлилик ифодалаш хусусиятини назарда тутиб, буни қуйидагича изоҳлайди: «Сўзнинг ўз унутилган маъносини тиклашга бўлган талаб рамз (символ) ҳосил бўлишининг сабабларидан биридир»⁴².

Туртинчи фаслда герменевтик тахлилнинг адабий танқидга муносабати қайд қилинган. Герменевтикада биз сўз санъатини аввал ҳиссиёт санъати сифатида шакллантираемиз. Шу боис санъатнинг нафақат ижтимоий, балки табиий манзаралари бизни кўпроқ ўзига қорлайди, хусусан, экзотика — тоғ, саҳро, ўрмон, денгиз, кўл, қир, жамики инсон қўли тегмаган табиат манзаралари, импрессиасидан фол очамиз. Уларни гулув санъатида кўпиртираемиз ва чексиз геометрик маконда манзаралар яратамиз.

Санъатнинг барча турлари тасаввур ва ҳиссиёт билан ишлайди. Ҳиссиёт буюм, бўёқ-ранг, оханг, белги, ёғоч, тош, сув, муз, лағта ва ҳоказо қабиларга нисбатан бўлиши мумкин. Буларнинг ҳар қайсиси маълум бир санъат бирлиги уюшмасида у хоҳ расм, ҳайкал, портрет, театр, кино, кўшик, мусика, кийим, ижтимоий буюм, ва бошқа кўрнишда бўлсин, яхлит, ягона котиб қолган ҳолатда гавдаланади. Биз улардан гулув орқали мўъжиза излаймиз ва ҳар бирими янги мўъжиза яратамиз. Бу мўъжизалар бизнинг шууримизда сўз орқали пайдо бўлади, сўзда реаллашади. Бирок сўзнинг ўзи ҳам ғоянинг моддий ақси холос. Шу боис уни ҳам биз гулув санъатида дучор қиламиз. Сўз ифодаси бадиий адабиёт доирасида янги борлиқнинг манзараларини яратди.

Сўз ўзининг яхлит бир шаклида бутун дунёни, бутун борлик воқеа-ҳодисаларини изоҳлаши мумкин. Аллоҳ дунёни яратганда уни сўз билан изоҳлашга, сўз билан тушунтиришга изн берган, имконият берган. Ваҳоланки, тафсир, тақмил ва бошқа изоҳлар шунда пайдо бўлади.

ХУЛӢСА

Ўзбек мумтоз адабиёти ҳаётни, борлиқни тасаввурдаги инъикоси орқали инсонни табиат ва жамиятга нисбатан чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашга интилади. Зеро ҳозирги кунда материалистик назария бутун борлик ҳалокатини яратётган бир вақтда агроф-муҳитга зарар етказмасдан ҳаёт, борлик, дунё гўзаллигини қалбда, инсон дунёсида тасаввур орқали яратиш нақадар муҳим эканлиги кун тартибидеги энг долзарб муаммага айланди. Адабиёт намуналарининг герменевтик методдаги тахлили уларни янги талқинда муқаммал ўрганиш учун имконият яратди. Герменевтик тафаккур бадиий асар намуналари: романлар, достонлар, ривоятлар, масаллар, ҳикоят, ғазал, рубоий, туюқ ва бошқа кичик жанрларда яратилган асарларнинг магн имкониятларини ўрганиш, улардаги магн замирига синдирилган поэтик ғояларнинг ўқувчи томонидан гўлақонли тушунилиши йўлларини яратди.

Герменевтик талқин инсонга гўзаллик, мувозанат ва уларнинг асосида турган оддий инсоний меҳрни туйиш, ҳис қилиш учун ҳарорат ва куч бағишлайдиган ҳиссиётни ўзида, ўз ички дунёсида яратиши лозимлигини уқтиради. Мумтоз адабиётнинг энг муҳим тояси ўша чексиз, битмас-туганмас меҳр тафти ва гўзаллигининг иллюзион-тасаввур бойлигини агрофлагиларга улаштишга қаратилган эди. Ўзбек мумтоз адабиёти руҳ, қалб, ҳиссиёт гўзаллигини тасаввурдаги дунё ва ундаги воқеа-ҳодисаларни лингвистик белгилар: сўз ёки сўзда ифодаланадиган белгилар билан бошқариш орқали уни амалда ҳаракатнинг - оддий инсоний муносабатларининг бош мезонига айлантирилганлигини кўрсатиб беради. Ички дунё, қалб, тасаввур мамлакатининг мана шу хазинаси дунёни кўтқаришини муқаммал тушунган шоир ўз-ўзидан тасаввур дунёсига кириб боради. Бу руҳий мувозанатнинг ранг-баранг кирраларини кашф этиш борасидаги навобатдаги кадам. Биз герменевтик табдил орқали Аҳмад Яссавийнинг “тупроқ бўлгин, дунё сени босиб ўтсин”, деган жумласи Конфуцийнинг “денгиз ҳамма нарсадан пастда тургани учун барча дарёлар унга қўшилади”, деган афоризмининг тасаввурдаги изоҳидан иборатлигини бутун мумтоз адабиёт намуналари ҳисолида иботланганлигини тушундик. Ваҳоланки, тасаввур дунёсининг чексизлиги сўздаги борлиқнинг рангли кирралари беҳад нуқталари билан изоҳланади. Инсон унинг воситасида муғтасил ва муғтазам руҳий, руҳий-эстетик камолот тарбиясида юради. Демак борлиқнинг тасаввур хазинасини тўлдиришда чуқур романтик сўз санъати хазинасини ярата олган ўзбек мумтоз адабиёти инсониятга тамомила янги сўз санъати мамлакатини кашф қила олган. Герменевтик тадқиқотлари ибтидоси ва интиҳосида умумий ҳулосалар шаклланади.

⁴² Потебня А.А. Эстетика и поэзия. — М., 1977. — С. 222.

жихатдан тўла очиб бериш имкони туғилади. Тилнинг тасвирий –ифода воситалари асарда ўзига хос шаклда қўлланиши ижодкорнинг индивидуал услуби ҳисобланади. Худди шу ҳолатлар сўзсиз бадий асарнинг муваффақияти замирида ётади ҳамда уларнинг жавоби герменевтик таҳлил орқали топилади.

4. Герменевтика адабиётшунослик ва лингвистика орасидаги жойини эгаллайди. Бу уч фан бўйича тадқиқот ишларида алоҳида шугулланиш мумкин, бироқ назарий тадқиқотларда муваффақиятга эришиш, тушунишнинг амалий, педагогик ёйилишини таъминлаш борасида фақатгина бу уч фан бўйича илмий-амалий дунёқарашни бириктиришдангина натижага эришиш мумкин бўлади. Бу уч филологик фан бўлиmlари ўзига хос ахборот жараёнларини яратадики, уларда субъектив реаллик магн воситалари билан етказилади, бироқ магннинг турли қирраларини очиб бериш орқали амалга оширилади. Бадий магн поэтик таҳлилни тўлақонли амалга ошириш учун уч филологик фаннинг назарий имкониятларини бириктириш зарур. Герменевтика ўз мақсадини тўлақонли амалга оширади қачонки, унга ёндош адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари тадқиқот усули ва методлари билан имкониятларини бириктириганди.

5. Поэтик таҳлилда герменевтика ёки адабиётшунослик эмас, балки айнан адабий танқид магн доирасида бадий тўқиманинг даражасини аниқлаб беради. Бироқ улардаги фикр – ғоянинг корреляцияси аниқ, реал инсон ўй-фикрлари, руҳий кечинмалари билан берилади. Лингвистика бундай воситаларни тил инвентари сифатида қабул қилади. Лингвистик тадқиқотда эпизодда бадий тасвирий воситаларнинг асар ғоясини очиб берувчи курол сифатида аҳамияти билан шугулланмайди. Бадий нутқнинг янги тақлиф қилинган критериялари асар ғоясининг оптимал мазмунини яратишга имкон беради. Бадий нутқ шу йўналишда таҳлил қилинганда унинг эстетик ғояси мукамал очиб берилиши табиий.

6. Адабий герменевтика, бадий магн архитектуроникаси ва бадий нутқни ўрганишнинг янги параметрлари филологияда бадий асарнинг поэтик таҳлилни мукамаллаштиришга хизмат қилади. Ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон адабиёти намуналари доирасида олиб борилган герменевтик таҳлил бадий магнда акс этган нафақат ижодкор, балки китобхон руҳий-психологик, фалсафий-эстетик, ижтимоий ёки индивидуал дунёсининг янги маъно товланишларини очишга туртки беради. Тадқиқот давомида кузатилган ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ва айрим жаҳон адабиёти намуналаридан мисоллар келтириш орқали илмий фаразларнинг далиллаш борасидаги муқоясалар бадий тафаккур парадигмаларнинг макон ва замон чегараларидан юқори туришини кўрсатади. Зотан, инсоният хар қандай вақт ва жойда тасаввур орқали санъат асарини яратиш ва уни истифода қилиш борасида умуминсоний параметрларга суянади.

Герменевтик тадқиқотлар натижаси инсонга ўзини англаш, ўзининг нималарга қодир, нималарга қодир эмаслиги билишни ўргатади, яъни унинг ўзига ўзини тушуниш санъатини ўргатади. Унинг биринчи галдаги вазифаси инсонларга психологик мўътадилликни ҳис қилиш, уни сақлашни

1. Адабий тафаккур ижтимоий онгнинг ажралмас қисми сифатида қадим замонлардан буён инсон ҳаётини безаб келади. Санъат, сўз санъати олам ва одам яралганининг дастлабки кунларидан бошлаб инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Санъат намуналарини изоҳлаш, уларда акс этган тафаккур қирраларини шарҳлаш ҳам маълум тарихий мезонларни бириктирилади.

Матнни инсон томонидан ўзлаштирилиши икки усулда кечади: рационал ва эмоционал шаклда. Рационал усулда инсон магн мазмунини ва бинобарин ғоясини ақл билан англаб етади. Эмоционал ўзлаштиришда эса, у асарда бу ҳолатни қалбдан ҳис қилади. Бадий магнни руҳий-психологик ўзлаштириш санъатда, хусусан, адабиётда қатор модернизм оқимларнинг турли ғоялар ташиши билан ҳам характерланади. Герменевтика санъат асариди акс этган бегона инсон қалб манзараларини ўрганар экан, асар архитектуроникаси орқали инсоннинг ўзига хос дунёси, қалб манзараларини кашф қилади. Бадий адабиётнинг поэтик имкониятларини тўлақонли ўзлаштиришда уни герменевтик силлогизм, трансформация ва иллозия мезонлари билан таҳлил қилиш мумкин. Поэтик ёлқин, ижодий ёлқин умуман санъат асарининг мўъжизавий қирраларини кашф этибгина қолмасдан, уни умуминсоний кадрият сифатида баҳолашга ёрдам беради.

Герменевтика бадий магнни мукамал ўрганади, қачонки асарда акс этган тил қурилиши материалларини мукамал ўзлаштира оلسа, бинобарин бадий асар тили, бадий нутқ адабий герменевтикнинг тадқиқот доирасининг ажралмас ҳамроҳи сифатида қаралади, ваҳоланки, герменевтика асарнинг лингвистик қолларини тавсифлаш орқали асар ғоясини очишда гербаризм методини илгари суради. Гербаризм архаик сўз ва тушунчаларнинг даврлар оша турли шакл ва маъноларини тиклаш орқали инсоният бадий тафаккурининг янги сиймосини топади ёки тиклайди, уни инсоният ментал тараққиётидаги ўрнини аниқлайди.

2. Герменевтик таҳлилни бадий нутқ билан боғлиқ қирралари очиш жараёнида поэтик ёлқин категориясининг имкониятларини ҳисобга олиш ҳам мумкин. Ёлқин лексик – семантик воситалардан холи ўларок ўқувчи онгида маълум бир йўналиш асосида ўй – фикрлар бирлигини таъминлайди, уни маълум тушунчалар доирасида мулоҳаза юритишга чорлайди. Асар ғояси унинг ижодий методи масаласини ҳам шакллантиради. Хусусан, романтик асарларда лирик ҳиссиёт, реалистик асарларда реал турмуш ташвишлари тасвирий устунлик қилади. Бадий асар лингвопоэтикаси асар архитектуроникасининг лингвистик элементлар билан таъминлашга боғлиқ тил хусусиятлари демақдир. Унга мувофиқ бадий асарнинг нутқ критериялари аниқлаб олинганидан сўнг маълум бўладики, мавзу ва ғоя асарда маълум бир шакл (сўз шакли ёки сўзнинг товуш таркиби, грамматик ва лексик-семантик ҳолат) ни талаб қилади. Талаб қилинган тил шакллари миллий ёки индивидуал тил ресурслари имкониятида ётади. Бундай имконият турли миллат, шунинг билан бир қаторда турли инсонларда турли даражада бўлади.

3. Бадий нутқнинг тавсия қилинган критериялари асосида тадқиқ қилиниши унинг барча хусусиятларини қамраб олади. Шу йўналишда ўрганилганда бадий ғоя асарда қандай шаклланиши герменевтик

ўргатишдан иборат. Токи, психологик мўътадилликни топиш, аниқлаш; уни бошқаларга исботлаш; бундай мўътадилликни холис баҳолаш; психологик мўътадиллик доирасида янги ижтимоий муносабатларни яратиш ҳам санъат.

Адабиётнинг, санъатнинг энг қатта дахшатли кушандаси вульгаризм. Вульгаризм ҳар қандай санъат ва у орқали акс этган гўзалликни ёлғиз шахсий манфаат – нафсга боғлаб қўяди. Нафс эса, инсонийликнинг кушандаси. Инсонийлик тинимсиз нафс билан курашиб боради. Ваҳоланки, нафснинг тури ва шакли беҳисоб ҳамда уллар тинимсиз янги кўринишда пайдо бўлаверади. Инсон эса, унга фақат бир восита – санъат билан курашади. Санъат инсонийлик мезони. Уни тушуниш, тушунтиришининг янги кўринишларини яратиш донишмандларнинг тинимсиз меҳнатидан иборат.

Герменевтика инсонга тасаввур орқали янгича фикрлаш дунёсини очади. Айнан шу ҳодиса янги давр инсонни, аниқроғи янгича, илгор фикрлайдиган одамлар жамиятини шакллантиради, унда ички маданиятни яратади.

Ўзбек адабиёти ўзининг кўп асрлик тараққиёти давомида оддий Ўзбекиона қалб манзараларини яратиш бинобарида ҳар бир қалб манзарасида акс этган миллий менталитет ва миллий колоритни янги, ёрқин лингвопоэтик воситалар билан кўрсатиб беришга интилади. Герменевтик тадқиқотлар унинг мана шу хусусиятининг янги қирраларини очиб беришга хизмат қилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FI.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕННЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ

ТАДЖИБАЕВ МУСАЖАН САБИРОВИЧ

ГЕРМЕНЕВТИКА И ПОЭТИЧЕСКАЯ РЕЧЬ

10.00.07 – Теория литературы

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора филологических наук (DSc)

Ташкент – 2022

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении в исследованиях, направленных на изучение текста художественного произведения в герменевтической интерпретации, по вопросам герменевтического использования поэтики художественных произведений, текстовой герменевтики лирических произведений и аналитико-лингвистических, философско-эстетических, поэтических и семантико-стилистических возможностей художественных текстов составляют проблемы создания теоретических основ понимания отраженного в тексте философско-рационального и психолого-эмоционального существования уникальной личности. В процессе герменевтического исследования художественных текстов становятся актуальным обосновать их лингвистические парадигмы на примере наиболее передовых образцов литературы народов Востока и Европы, описывать новые герменевтические категории художественного мышления, наряду с этим, исследовать факторы, обеспечивающие интерпретацию смысла художественной речи на основе современных требований и критериев мирового литературоведения.

В нашей стране большинство исследований, посвященных языку художественного произведения и поэтическому мастерству творческой личности, традиционно проводились с целью определения отношения художественной речи к национальному языку, его лексического или грамматического процесса развития. В то время как герменевтика выдвигает новые принципы изучения поэтических возможностей текста произведения, в котором посредством слов отражены уникальные картины души личности. В ряде работ Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева подчеркивалась необходимость широкой пропаганды национальных артефактов, памятников литературного наследия, жизни и творчества великих людей, всемерного раскрытия отраженных в них духовно-нравственных возможностей с целью укрепления личности и психики человека¹. На основе новых достижений мирового литературоведения разработка теоретических основ герменевтического анализа художественного произведения на примере литературы европейских народов и на примерах узбекской классической литературы через герменевтический анализ художественного произведения и лежащего в его основе художественного дискурса, смысла и сущности художественного произведения, роли и значения произведения в развитии художественного мышления является насущной необходимостью для изучения научным сообществом.

Актуальность данной исследовательской работы определяется устранением различия в мышлении создателя художественного произведения и читателя путем герменевтического анализа на примерах современной мировой и узбекской литературы, разработкой методов раскрытия сущности,

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.DSc/F1311.

Диссертационная работа выполнена в Чирчикском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.tashgiv.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант:
Рахмонов Насимхон Аскарлович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:
Амонова Зилола Кодировна
доктор филологических наук

Курунов Дилмурод Хайдаралиевич
доктор филологических наук, профессор

Тухлиев Бокжон
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:
Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019. F11.46.01 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан «14» 2022 г. в 10 ч. (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. проезд Шахрисабз, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; email: uzlit@uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером _____). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Зиебдилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «14» 2022 года.
(Протокол рассылки № 60 от «15» 2022 г.)

Н. Каримов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. ф. н., академик

Р. Баракзев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к. ф. н., профессор



Дж.С. Эшонкулов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д. ф. н., профессор

¹ Мирзиёев Ш.М. Узбекистоннинг буюк келажатли мард ва олийжанон халқимиз билан бирга кураим. Тошкент: Узбекистон, 2018. – Б. 29.

идеи, художественно-эстетических аспектов произведения, художественного произведения более отчетливо читателю, ощутить бытие в новых поэтических красках, отраженных через художественность произведения необходимости определения социального осмысления уникального мира и уточнения значения национального, индивидуального менталитета в нем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служило выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»; Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 от 17 февраля 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», №ПП-2894 от 18 апреля 2017 г. «О создании аллеи литераторов в Национальном парке Узбекистана имени Алишера Навои», №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», а также в других нормативно-правовых документах Республики Узбекистан, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация реализована в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации². Ряд достижений достигнут в результате исследований, направленных на изучение герменевтических особенностей литературных произведений в мировой литературе. В признанных научных центрах мира, в вузах, в частности, в таких как Oxford University (Великобритания), Cambridge University (Великобритания), Humboldt Universität (Германия), the University of Sorbonne (Франция), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Южная Корея), Центрально-Европейский университет и институт

«Открытое общество» (Будапешт, Венгрия), Manchester University (Великобритания), институт экологии университета Джорджия (США), Massachusetts Institute of Technology (США), Indiana University (США), университет Стамбула, университет Анкары, университет Карабук (Турция), Российский государственный гуманитарный университет, Московский государственный университет (Россия), Институт литературы РАН, Бакинский Евразийский университет (Азербайджан), Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора (Узбекистан) проводятся научно-практические исследования.

В целях разработки теоретических основ герменевтического исследования художественных текстов в мировой литературе проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям исследований: творческие лабораторий поэтов с помощью новых подходов и концепций; создание теоретических основ герменевтической интерпретации, изучение масштаба и объема герменевтических исследований, проводимых в рамках мировой литературы и определение их содержания, определение современных герменевтических концепций, отраженных в новых герменевтических исследованиях, изучение их направлений, объемов исследований и создание теоретических аспектов, отражение в них человека и человеческой природы, идеала личности, разработка принципов развития и особенностей отражения в узбекской лирике национальной психологии, жанра, образа, лирического героя, метафоры.

Степень изученности проблемы. Герменевтика как отдельное учение первоначально была основана александрийской школой герменевтики (начало нашей эры) в исследованиях, направленных на истолкование божественных смыслов Библии³. В XVIII-XX вв. творчество В. Шекспира получило продолжение в исследованиях, посвященных изучению особенностей текста⁴. В XX веке как отдельная наука она впервые возникла в странах Запада, как совокупность специфических методов и занималась проблемами определения различных смыслов текста путем различной интерпретации художественных текстов⁵.

Литературная герменевтика сформировалась под влиянием философской герменевтики, выдвинутой такими учеными, как Ф. Шлейермахер, В. Дильтей, Г.Г. Гадамер⁶. В некоторых их исследованиях наблюдается и анализ художественного текста. Также такие исследования были проведены представителями итальянской школы «герметической критики» К.Бо, О.Магри и такими представителями англо-американской школы «новой критики» как Т.С.Элиот, Д.К.Гэнсом, Р.П.Уэллек, О.Уоррен⁷.

³ Герменевтика библейская // Православная энциклопедия. – М., 2006.

⁴ Григорьев Е.В. Герменевтика и теория интерпретации. – Владивосток: Изд-во ДВГУ, 2002. – С. 96.

⁵ Цурганова Е.А. Герменевтика // Западное литературоведение XX века. – М., 2004.

⁶ Madison. The hermeneutics of postmodernity. – Bloomington, 1988; Silverman H. Gadamer and hermeneutics. – New York, 1991; Grondin J. Hermeneutische Wahrheit? Zum Wahrheitsbegriff H.-G. Gadamer. – Weinheim, 1994.

⁷ Тисслен Э. Герменевтика. – Черкассы, 2008.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи <https://www.publishersweekly.com/pw/by-topic/industry-news/trip-sheet/article.html?cid=367616>; <https://cyborlink.ru/article/n/problemu-razvitiya-1>; <https://arts.unimelb.edu.au/news>; <https://www.westminster.ac.uk>; <https://www.unm.ac.ir>; <https://www.amu.ac.ir>; <http://www.dtu.ac.uk>; <http://www.istanbul.edu.tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.ru>; <http://www.kaznu.uz>; <https://www.ivran.ru>; <https://srbu.ru>; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://orientalstudies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dnti.fj>; <http://iza.fj.ru/institutuzayka-literatury-vostokovedeniya-i-priznemoogo-nalediya-im-rudak-i>; <http://ashgvtv.ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Принципы герменевтики нового времени были определены в исследованиях Э.Д.Хирша⁸. В своих работах Хирш выдвигает трехмерную интерпретацию толкования: 1) описательное измерение предполагает раскрытие разных смыслов текста на равной основе; 2) нормативное измерение считается результатом этического выбора исследователя, в котором признается определенное текстовое превосходство; 3) метафизическое измерение принимается как результат объективного исторического изучения текста, в котором раскрывается первоначальный смысл текста. По Хиршу, цель и содержание герменевтики состоит в том, чтобы определить исходный смысл текста (денотат в семиотике) путем отождествления всех его коннотативных аспектов и выделения наиболее важных из них.

Как крупные представители в области литературной герменевтики: Д.Б.Мэдисон, Г.Сильверман, Ю.Грондин в своих работах развивали идеи Гадамера и, в основном, изучали текстовые особенности образов постмодернизма⁹. В России исследования по этому аспекту наблюдаются в работах М.М.Бахтина, Д.С.Лихачева и В.В.Виноградова по художественному тексту¹⁰. Еще одним крупным исследованием в области герменевтики является труд Энтони Тисельтона «Герменевтика», в котором описываются развитие и современные принципы герменевтики, течения в герменевтике, анализируются их теоретические основы¹¹. С точки зрения философской герменевтики проведены исследования российской ученой Е.Н. Шульги и освещены основы когнитивной герменевтики¹².

В узбекском литературоведении работы по герменевтике таких ученых, как Х.Болтабов, Д.Курунов, Б.Каримов, А.Эркинов, У.Журакулов расширили рамки исследований в этом направлении. А.Эркинов провел масштабные герменевтические исследования на примерах узбекской классической литературы, Б.Каримов – на основе романов Абдуллы Кадири¹³. В статье Х.Болтабова о герменевтических исследованиях были освещены исторические и научные аспекты этой области¹⁴. Д.Курунов

отметил важные научные факты термина в своей книге «Литературоведческие термины», а текстовые особенности художественной речи были изучены в исследовании У.Журакулова¹⁵.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-практического проекта ПЗ-2017-0927124 «Развитие педагогической деятельности на основе сотрудничества в организациях образования» Ташкентского областного Чирчицкого государственного педагогического института.

Цель исследования – усовершенствовать теоретические основы литературной герменевтики в узбекском литературоведении на основе традиций мирового литературоведения, разработать новые принципы герменевтического анализа художественных произведений на примере образов европейской и узбекской классической литературы, уточнить критерии новой художественной речи, которые следует учитывать в процессе поэтического анализа понимания внутреннего мира человека через художественный текст.

Задачи исследования:

разработать новые критерии герменевтического анализа художественного произведения на примере образцов узбекской классической литературы;

разработать новые принципы лингвопоэтического анализа образцов классической литературы;

создать новые теории и методы, связанные с поэтикой художественных произведений;

выявить отношения поэтических аспектов архитектуры художественного текста к художественной фантазии;

разработать новые теоретические принципы изучения художественной речи;

выявить значение эстетических критериев поэтической речи в развитии мышления человека через герменевтический анализ художественного произведения.

Объектом исследования были выбраны научные исследования мировых ученых по герменевтике, а также изобразительные образцы узбекской и мировой литературы в различных жанрах.

Предмет исследования – литература, посвященная герменевтическим исследованиям в мировой литературе, а также герменевтический анализ образцов узбекской и мировой литературы и вопросы определения его значимости в узбекской литературе.

Методы исследования. В диссертации использованы следующие методы: лингвистический, компонентный, контекстуальный, рационально-

¹⁵ Эркинов А., Тожиёв А. Навоий ва бугунги авлод // Жахон адабиёти. – Тошкент, 2013. – 2-сон.

¹⁶ Журакулов У. Микаил Бахтини кашфнамлари // Жахон адабиёти. – Тошкент, 2014. – 11-, 12-сонлар.

⁸ Hirsch E.D. Validity in interpretation. – New Haven, 1967; Ibid. Three dimensions of hermeneutics // New literary history. – Baltimore, 1972. – V.3. – №2.

⁹ Hirsch E.D. Validity in interpretation. – New Haven, 1967; Ibid. Three dimensions of hermeneutics // New literary history. – Baltimore, 1972. – V.3. – №2.

